Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 104 (6. 803) ◎ 1989 йил 6 май, шанба ◎ Баҳоси 3 тийин

Тонгги газеталарда

◎ 4 май куни Москвада, Союзлар уйида СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Шу йил 14 май куни қайта сайлов ўтказиладиган сайлов округларида халқ депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш якунлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Бугун газеталарда ана шу мажлис ҳақида ТАСС хабари эълон қилинган.

◎ «Правда» газетасининг иккинчи саҳифасидаги долзарб мавзуга бағишланган мақоласи «Мен — корхона эгасиман», — дейди у ўзи ҳақида» деб номланади. Мақолада газета махсус мухбирлари Қозоғистон Кооператорлари союзи правлениесининг раиси Михаил Хурин билан суҳбат олиб борадилар.

◎ Вьетнам халқи Дьенбьенфу яқинида француз мустамлакачилари устидан галаба қозонган кунга 35 йил тўлди. Газетанинг тўртинчи саҳифасидаги «Сўнмас жасорат» сарлавҳали мақола ана шу санага бағишланган.

◎ Газетанинг учинчи саҳифасида ТАСС мухбири В. Иткининг СССР Ички ишлар министрлиги Сиёсий бошқармасининг бошлиғи генерал-лейтенант А. Аниқиев билан интервьюси берилган. Интервьюда шу йил 9 апрель куни Тбилисида бўлган воқеалар, Грузия пойтахтидаги ҳозирги аҳвол ҳақида фикр юритилади.

◎ Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган мактублар, хабарлар, меҳнаткашларнинг редакцияга йўллаган хатлари босилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида «Республикада антисоциал ҳодисаларнинг олдини олишни кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди.

Мамлакатда ва республикада авж олдирилаётган демократиялаш ва ошкоралик жараёнлари одамларнинг ўзлигини англаши ўсган, уларнинг социал ва сиёсий фаоллиги кучайган шароитда ўтмоқда. Ташаббускор жамоат ташкилотлари ва норасмий бирлашмалар ташкил этилиб, уларнинг кўпчилиги қайта қуришни жадаллаштиришда, республикада тўпланиб қолган муаммоларни амалий ҳал этишда фаол қатнашиш истагини билдирмоқдалар. Ўсмирлар учун ҳамма жойда ҳарбий спорт клубларини ташкил этаётган ва ҳозирги вақтда ўюшма тузишга ҳозирлик кўраётган интернационалист жангчилар фаолликнинг яхши намуналарини кўрсатмоқдалар. Болалар уйлари тарбияланувчилари ва ходимлари иттифоқи, Самарқанддаги «Эсперанто» интернационал дўстлик клуби, Бухоро областидаги «Симона» ҳаваскорлик студияси, Тошкент областидаги «Қидирув» клуби шуҳрат қозонди. Оролни қутқариш жамоат комитети республика Олий Советининг депутатлар группаси раҳбарлигида самарали иш олиб бормоқда.

Шу билан бирга Марказий Комитет Бюроси ижобий йўналишдаги норасмий бирлашмалар билан бир қаторда активлари одамларнинг қайта қуриш жараёнларида иштирок этишга бўлган соғлом муддаосидан ўзларининг ғаразли мақсадларида фойдаланишга уринаётган группалар пайдо бўлганлигини таъкидлайди. Ўзларини ана шундай группаларнинг раҳбарлари деб эълон қилган айрим кишилар одамларни оммавий ҳаракатларга гиж-гижламоқдалар, бу эса жамоат тартиби ва жамиятдаги маънавий муҳит учун нохуш оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тўғрисида яхши ўйламаяптилар.

Ўзини «Бирлик» деб атаган рўйхатга олинмаган норасмий бирлашманинг баъзи ташкилотчилари ортиқча фаоллик кўрсатмоқдалар. Улар республикада партия ва давлат органлари тўпланиб қолган ўткир социал-иқтисодий ва маданий муаммоларни ҳал этиш юзасидан катта ишлар қилаётганлиги билан ҳисоблашишни истамаяптилар. Улар республикада ҳозирдаёқ изчил ҳал этилаётган масалаларга зўр бериб аҳолининг диққат-эътиборини қаратиб, айни пайтда ана шу масалаларни ҳал этишнинг бирон-бир йўлини таклиф этмаяптилар. «Бирлик» деб аталмиш ташкилотнинг вакиллари оғизда тилларнинг тенг ҳуқуқлилигини ёқлаб чиқиб, шу билан бирга икки тиллилик ўзбек тилининг йўқолишига олиб келади, деб даъво қилмоқдалар. Улар тартибсизликларга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисидаги шиорларни ўртага қўйиб, ўзлари эса рухсат берилмаган митинглар ва намойишларга даъватлар билан буни рад этмоқдалар ҳамда одамларнинг турли гуруҳларини шунга жалб этмоқдалар. Улар асосан ҳокимият органларига тазйиқ ўтказмоқдалар ва уларнинг обрўйини тўкмоқдалар.

Одамларни, асосан ёшларни қатъий талаблар қўйиш оқимига жалб этишга уринаётган бошқа баъзи ташаббускор ташкилотлар айрим активларининг фаолияти ҳам салбий тусдадир. Диндорларни диний маросимлар тўғрисидаги қонунларни гиж-гижлаш тобора сезиларли даражада намоён бўлмоқда.

Республика меҳнаткашлари ўзларининг ёзма ва оғзаки мурожаатларида экстремистик кўринишлар муносабати билан хавотирлик билдириб, гражданларнинг СССР Конституциясида мустаҳкамлаб берилган шахсий ҳуқуқлари ва эркинликлари сиёсий жиҳатдан ҳимоя қилиниши, нормал ҳуқуқий муҳитда яшаш ва ишлаш имконияти таъминланишини талаб қилмоқдалар.

Шундай шароитда кўпгина партия ва совет органлари йўл қўйиб бўлмайдиган даражада сусткашлик, сиёсий бепарволик ва кўнгилчанлик қилмоқдалар. Партия комитетлари ҳузурида ташкил этилган пропаганда группалари кўпинча пассивлик кўрсатиб, ошкора муноза-ралардан ўзларини четга олмоқдалар. Мавжуд муаммолар ва қийинчиликларни чуқур таҳлил этиш ва амалий ҳал қилиш юзасидан партия ва совет органлари амалга ошираётган тадбирлар ўз вақтида меҳнаткашларга, ёшларга ва аҳолига етказилмаяпти. Рухсат берилмаган турли ҳаракатлар оммавий намоён бўлишининг олдини олиш юзасидан бажариладиган ишларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қонуннинг обрўйи ва кучидан суст фойдаланмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси партия Марказий Комитети бўлимларидан, область, шаҳар ва район партия комитетларидан, совет, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, касаба союз ва комсомол органларидан интизомни, ижтимоий ва тартибни қатъий мустаҳкамлаш, аҳоли орасида сиёсий ишларни кучайтириш, гражданларнинг ишлаши, ўқиши ва дам олиши учун нормал шарт-шароитни таъминлаш юзасидан конкрет ишларни амалга оширишни талаб қилди.

Одамлар орасидаги ташкилотчилик ва сиёсий тушунтириш ишларини республикада соғломлаштириш ва маънавий уйғониш соҳасида олиб борилаётган ишларга қаратиш таклиф этилди. Бу партиянинг экономика, социал турмуш, экология, миллатлараро муносабатлари уйғунлаштириш, одамларнинг озиқ-овқат ҳамда оммавий харид моллари ва бошқа нарсаларга бўлган эҳтиёжларини қондириш соҳасидаги энг муҳим муаммоларни конкрет ҳал этишга қаратилган бош йўлини амалда рўёбга чиқаришдан иборат. Жамият ривожланишининг ҳозирги бурилиш босқичида мавжуд қийинчиликларни тезроқ бартараф этиш соҳасида амалга оширилаётган программада ўзининг аниқравшан ўрнини олиш, баъзи масъулятсиз унсурларнинг вазиятни издан чиқариш йўлидаги уринишларининг қатъиян пайини қирқиш республика ҳар бир меҳнаткашининг бурчидир.

Норасмий бирлашмалар қатнашчиларини партия комитетлари комиссиялари, депутатлар группаларининг мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўлларини амалий қидириб топиш соҳасидаги фаолиятига 1991—1995 йилларда Ўзбекистон ССРни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш программаси лойиҳасини актив муҳокама қилишга ва республика аҳолиси фаровонлигини оширишга кенг жалб қилиш тавсия этилди.

Оммавий ахборот воситаларида ва ижодий ташкилотларда ишлаётган коммунистларнинг, биринчи навбатда раҳбарларнинг эътибори ҳозирги вақтда республика партия ташкилоти ҳал этаётган муаммоларни таҳлил этиш ва ёритишга вазминлик билан, масъулятни ҳис этиб ёндашиш, жамоатчилик фикрини тўғри шакллантириш зарурлигига жалб этилди.

Партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига меҳнат коллективларида юксак сиёсий сезгирлик вазиятини таъминлаш, давлат негизларини, жамоат тартибини бузишга қаратилган экстремистик хатти-ҳаракатларга, миллатчилик ва шовинизм кўринишларига нисбатан кўнгилчанлик, бепарволик ва принципсизлик фактларига принципиал баҳо бериш, ҳар қандай уйдирмаларга қатъий барҳам бериш, ҳуқуққа қарши биронта ҳам ҳаракатни эътибордан четда қолдирмаслик вазифаси топширилди. Меҳнат коллективларида, ўқув юртларида ва аҳоли истиқомат жойларида сиёсий группаларнинг кучи билан республикада қайта қуришни рўёбга чиқаришнинг амалий жиҳатларига доир мунозаралар авж олдирилсин.

Марказий Комитет Бюроси коллективлардаги сиёсий вазият, тарбиявий ишларда раҳбар коммунистларнинг шахсан қатнашиши учун уларга нисбатан талабни кучайтириши область, шаҳар ва район партия комитетларидан талаб қилди. Ижтимоий ҳаракатларига йўл қўяётган кишиларнинг партиявий ва комсомол жавобгарлигини ўз вақтида кўриб чиқиш зарур. Май ойида барча бошланғич партия ташкилотларида «Коммунистларнинг партиянинг қайта қуриш йўли амалга оширилиши учун сиёсий жавобгарликни кучайтириш соҳасидаги вазифалари» деган мавзуда йиғилишлар ўтказиш тавсия қилинди.

Маҳаллий Советлар ижроия комитетларида ишлаётган коммунистларга меҳнаткашларнинг дам олиши ва оммавий сайлларини ташкил этишда тўсиқларга барҳам бериб, митинглар, йиғилишлар ўтказишнинг қонунда белгиланган тартибига риоя қилинишини кузатиб туриш тавсия этилди. Ҳар қандай оммавий тадбирларнинг ташкилотчилари жамоат тартибини бузганлик учун шахсан жавобгар бўлиши тўғрисида ўз вақтида огоҳлантирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ҳозирги вақтда мутахассисларнинг кенг иштирокида кўнгилли жамиятлар ва жамоат бирлашмаларини рўйхатга олиш тартиби ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқаётганлиги маълумот учун қабул қилинди.

Марказий Комитет бўлимларига, область партия комитетларига СССР Олий Совети Президиумининг 1989 йил 8 апрелда қабул қилинган ҳамда совет конституцион тузумини, миллий тенг ҳуқуқлиликни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш воситаларидан янада тўлароқ ва самаралироқ фойдаланишга қаратилган Фармонини кенг пропаганда қилиш ва тушунтириш вазифаси топширилди. Шу мақсадда партия Марказий Комитети, область, шаҳар ва район партия комитетлари сиёсий группалари аъзоларининг меҳнат коллективларида, аҳоли истиқомат жойларида оммавий чиқишларини йўлга қўйиш, газета ва журналларнинг саҳифаларида, телевидение ва радиоэшиттиришларида тегишли рубрикалар ташкил этиш тавсия қилинди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига, республика комсомол комитетларига норасмий ташкилотлар билан олиб бориладиган ишларнинг таркиб топган форма ва методлари ҳозирги кун талабларига қай тарзда мос эканлигини кўриб чиқиш, уларни ёшларнинг оқилона ҳордиқ чиқаришини, тарих ва маданият ёдгорликларини, табиатни муҳофаза қилишни ташкил этиш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга фаол жалб қилиш, ҳамкорликнинг бошқа амалий формаларини ривожлантириш тавсия этилди.

Ўзбекистон ССР прокуратураси, Ички ишлар ва юстиция министрликларида, Олий судида ишлаётган КПСС аъзоларига қонунчиликни ва ҳуқуқ-тартиботни бузишга йўл қўяётган, ижтимоий ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг ҳаракатлари ва ҳаракатлар тарқатаётган, ўзларининг ғаламислик хатти-ҳаракатлари билан миллатлараро адоватни авж олдиришга кўмаклашаётган, одамларни тартибсизликка ундаётган шахсларга нисбатан қонун кучидан янада тўлароқ фойдаланиш таклиф этилди. Бундай ҳолатларнинг кенг ошкоралиги таъминлансин. Меҳнаткашлар ва ёшлар орасида совет қонунларини пропаганда қилиш яхшилансин, одамлар совет қонунларига нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялансин.

Кўпчилик бўлиб табиий офатга қарши курашайлик

Довул турди, жала қуйди, ер яхлади, Ўзбекистоннинг кўпгина районларида эса қор ҳам ёғди. Бунинг оқибатида гуллаган боғлар, ям-яшил пахтазорлар ва сабзавот далаларига катта зиён етди. Озуқа экинлари ҳамда эндигина кўкариб чиқаётган буғдойлар, токзорлар нобуд бўлди.

Апрелнинг охирги кунлари ҳамда байрам кунларида олинган фотосуратлар об-ҳаво инжиқликлари ва оғир меҳнатга кўниккан эркакларнинг изтиробга тушиб, кўзларига ёш олганликларидан дарак беради. Бунинг оқибатида гуллаган боғлар, ям-яшил пахтазорлар ва сабзавот далаларига катта зиён етди. Озуқа экинлари ҳамда эндигина кўкариб чиқаётган буғдойлар, токзорлар нобуд бўлди.

Апрелнинг охирги кунлари ҳамда байрам кунларида олинган фотосуратлар об-ҳаво инжиқликлари ва оғир меҳнатга кўниккан эркакларнинг изтиробга тушиб, кўзларига ёш олганликларидан дарак беради. Бунинг оқибатида гуллаган боғлар, ям-яшил пахтазорлар ва сабзавот далаларига катта зиён етди. Озуқа экинлари ҳамда эндигина кўкариб чиқаётган буғдойлар, токзорлар нобуд бўлди.

Лекин деҳқонларимиз ҳис-ҳаяжонга берилиб, узоқ вақт бош қашиб ўтириш пайти эмаслигини тушундилар. Улар қилинадиган ишларни тезда ва аниқ ҳисоблаб чиқиб, енг шимариб ишга тушиб кетишди. Вақт жуда зиқ—қутқариб қолиш мумкин бўлган ўсимликларнинг жонига оро кириш, қаерда зарур бўлса, ўша ерда экин экишни зудлик билан бошлаш зарур. Ҳозир ҳар бир кун ва ҳатто ҳар бир соат ниҳоятда ғанимат: кечикадиган бўлсак, ёз фаслида дастурхонларимизда маҳсулотлар бўлмайди.

Ўзбекистон ахборот агентлиги мухбирлари республикамизнинг турли ерларида қайта тиклаш ишлари қандай бораётганлиги ҳақида ҳикоя қиладилар.

ОТАЛИҚДАГИ ХЎЖАЛИКЛАРГА

Республика пойтахтидан юк машиналари, автопогрузчиклар колоннаси Оржоникидзе райони хўжаликларига етиб келди. Кучли техникани оржоникидзеликларни оталиққа олган ташкилотлар — Тошкентнинг Куйбишев ва Ҳамза районлари саноат корхоналари коллективлари юборишган.

Ҳавонинг авзойи тўсатдан ўзгариши экинларга жуда катта зарар келтирди. Минг гектарга яқин боғ, узумзор яксон бўлди, помидор, бодринг, булғор қалампири кўчатларини совуқ уриб кетди. Қор тушиши ва ер музлаши натижасида «Қибрай» совхози, «Маданият», «Коммунист», «Октябрь», «Правда» колхозлари катта зарар кўрди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, район хўжаликларига 10 миллион сўмлик зиён етган.

— Аҳволни ўнглаб олиш учун шошилинч чоралар кўряпмиз, — дейди район партия комитетининг биринчи секретари Г. Миразимова. — Биринчи навбатда сабзавот уруғлигини тайёрлаб қўйдик. Ўзингизга маълум, районимиз Тошкент шаҳрини маҳсулотлар билан таъминлайди. Далаларга паррандачилик фабрикаларидан ўғит чиқаряпмиз. Бу ўғитлар тупроқни қизитади, ўсимликларнинг кучга киришига ёрдам беради. Афсуски, мева ва узумдан ҳосил ололмайдиганга ўхшаймиз. Тажрибали деҳқонларнинг таклифларига кўра, дарахтлар оралиғига сабзавот экинлари экамиз. Техника икки сменада ишлаётган корхоналар полиэтилен плёнка юбормоқдалар.

САБЗАВОТ УРУҒИ ЕТАРЛИ БЎЛАДИ

Республика қишлоқ хўжалигига талофот етказган табиий офат сабзавотчиликка айниқса катта зиён етказди. Иссиқхоналардан эндигина очиқ майдонларга кўчириб ўтқазилган кўчатни совуқ урди.

Ана шундай вазиятда «Узсортсемовошч» республика бирлашмаси зиммасига алоҳида масъулият тушади. У деҳқонларни уруғлик билан таъминлаши керак. Бунинг учун нима ишлар қилинади? Бу саволга бирлашма бошлиғининг ўринбосари Б. В. КЛЕМЮК шундай жавоб берди:

— Табиий офат рўй берган биринчи кунданоқ ишга киришиб кетдик. 1 Май куни Тошкентда бирлашмамизнинг омбори очилди, биз хўжаликларга сабзавот ва қовун-тарвуз уруғини сота бошладик. Уруғликнинг сифати яхши, навлар ҳам ҳар хил, ихтиёримиздаги уруғлик етарли, республика деҳқонларининг эҳтиёжини қондиради. Эртанги помидор уруғи бир қадар етишмай турган эди. Биз «Союзсортсемовошч» бирлашмасига мурожаат қилдик, шу яқин орада 10 тонна помидор уруғи оламиз. Москвадан бодринг уруғи келади, бу ҳам керак, чунки уруғликни очиқ далага экишга тўғри келади. Шунинг учун ҳам кўчат ўтқазганга қараганда уруғлик бир мунча кўпроқ сарфланади.

Картошка ҳақида гапирадиган бўлсак, 3 май куни бирлашмамизнинг картошка бўйича бош агрономи Белоруссия ва Болтиқбўйи республикаларига жўнаб кетди. Республика Давлат агросаноат комитети хўжаликларининг вакиллари ҳам шу регионга йўл олдилар. Улар ёзда экиш учун анчагина картошка уруғи олиб келишлари керак. Пландагига нисбатан бирмунча кўпроқ олишга ҳаракат қиламиз. Лекин бунга ҳеч ким кафолат бера олмайди. Чунки мамлакатнинг бошқа регионларида ҳам картошка уруғи ҳозир кўп эмас.

Шу боисдан ҳам экилган картошкани сақлаб қолишга ҳаракат қилинг, деб маслаҳат берамиз. Чунки асосан тупроқнинг устки қатламини совуқ урди, чуқуррақдаги картошка эса зарар кўрмаган бўлиши мумкин. Ҳосил кечроқ етилиши мумкин, аммо уни пухта муҳофаза этиш, сўнгра эса нес-нобуд қилмай териб олиш керак. Республика уруғчилари деҳқонларга қўлларидан келган барча ёрдамни берадилар.

Шаҳар—қишлоққа

Тошкент асбобсозлик заводининг ишчилари Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхози деҳқонларига сабзавотларни йиғиштириб олишда ёрдам бериш мақсадида. «Минмонтажспецстрой» трестининг автобазалари ажратган 15 машина эса далаларга маҳаллий ўғит ташиш мақсадида.

СУРАТДА: чапда—асбобсозлик заводи ишчилари ҳосилни йиғиштириб олишмоқда. Ўнгда — «Ташгорстрой»га қарашли 4-автобаза ҳайдовчиси Шавкат Ҳайитматов.

Т. Каримов фотолари.

Жойлардан олинаётган хабарларни ўқиш қанчалар оғир. Бу хабарлар худди жанг майдонларидан келадиган маълумотларга ўхшайди. Табиий офат зарар етказмаган бирор район, хўжалик ёки экин майдони йўқ. Аҳволни ўнглаб олиш жуда қийин бўлади. Кўп жойларда ўнглаб бўлмайди. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу йилга мўлжалланган сабзавот эртаги ҳосилининг ярмидан кўпроғини ололмаслигимиз аниқ. 90 минг тоннага яқин картошка, 320 минг тонна дон, кўплаб мева, узум, полиз маҳсулотлари ололмаймиз... Пахтачиликдаги аҳвол ҳам жуда оғир — 460 минг гектар ерга қайтадан чигит экиш керак.

Сифатли уруғлик, сабзавот кўчатлари етишмаслиги натижасида аҳвол янада оғирлашмоқда. Областлардан келаётган телеграммаларда шошилинч ёрдам бериш илтимос қилинмоқда. Республика агросаноат комплексидаги барча резервлар зудлик билан ишга солиб юборилди. Шаҳарлардаги оталиқ ташкилотлари, саноат корхоналари ҳам ишга киришиб кетишди. Бу — муаммоларнинг ўткирлигини бир оз юмшатиши керак.

Лекин биз бугунги кундаёқ аҳволга тўғри баҳо беришимиз, йил ниҳоятда оғир бўлишини тушуниш-имиз лозим. Шу сабабли янада жиддийроқ ишлашимиз, бир-биримизни тушунишимиз, интизом билан, ишонч ва ўзаро ёрдам билан ишлашимиз зарур. Кўпчилик бўлиб табиий офат оқибатларига қарши курашмоқдамиз. Бундан кейинги қийинчиликларни ҳам бирлиқда бартараф этишимиз даркор.

Қайта қуришнинг олдинги сафида

Жамият турмушида оммавий ахборот воситаларининг роли ҳамма замонларда ғоят катта бўлган. Энг кейинги йилларда эса матбуот, телевидение ва радио яқиндагина тақиқланган деб ҳисоблаб келинган мавзуларни ёритиб, муросасизлиги ва дадиллиги билан бутун совет халқининг таҳсинига сазовор бўлди. Ҳозир янги газета ва журналлар саноқли соатлардаёқ қўлма-қўл бўлиб кетмоқда, телевизион кўрсатувлар ҳамда радиоэшиттиришлари ўткирроқ олиб борилиб, аниқ мақсадга қаратилмоқда.

5 май куни Тошкентда Матбуот кунига, Радио кунига, барча алоқа тармоқлари ходимларининг байрамига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ҳ. Ҳ. Ғуломов очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов доклад қилди.

Йиғилишда қайд этиб ўтилганидек, республика оммавий ахборот воситалари КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ўртага қўйган вазифаларни ҳал этишда фаол қатнашмоқдалар. Меҳнаткашлар сиёсий, иқтисодий ва социал ўзгартишлар тўғрисидаги фикрларини газета ва журналларнинг саҳифаларида тез-тез баён этиб турибдилар. Ошкоралик телевидение ва радиоэшиттириш олдида янги имкониятлар очмоқда. Алоқа хизматларининг ходимлари ўз фаолиятини такомиллаштирмоқдалар.

Айни вақтда оммавий ахборот воситаларининг ишида ҳамма нарсани мукаммал деб бўлмайди. Мубоҳасага берилиб кетиб, ҳаддан ошишларга, субъектив баҳоларга йўл қўйилмоқда. Журналистлар олдида жамиятимиз турмушида содир бўлаётган демократик ўзгартишларни кенгроқ кўрсатиш, қайта қуришнинг мураккаб вазифаларини ҳал этишда партияга фаолроқ ёрдам бериш вазифаси турибди.

Йиғилишда ижодий ходимлар, полиграфиячилар ва алоқачиларга бир группасига мукофотлар топширилди.

Тантанали йиғилишда Б. Ф. Сатин, С. У. Султонова, Л. Ш. Беккулбекова, Р. Ғ. Ғуломов ва бошқа ўртоқлар иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

Ташкилий комитет мажлиси

Совет ва чет эл шаҳарлари билан алоқалар бўйича СССР ассоциацияси ва АҚШ биродарлашган шаҳарлар ассоциацияси ўртасидаги келишувга мувофиқ 1989 йил 28—31 майда Тошкентда СССР ва АҚШ биродарлашган шаҳарларининг биринчи учрашуви бўлиб ўтади. Ушбу учрашувда АҚШдаги 50 та шаҳар вакиллари, шунингдек биродарлашган совет шаҳарлари, «СССР — АҚШ» жамияти вакилларининг иштирок этиши кутилмоқда.

СССР билан АҚШ биродарлашган шаҳарларининг Тошкентдаги биринчи учрашувига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий комитет тузилди. 5 майда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида ушбу ташкилий комитетнинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Уни ташкилий комитет раиси, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ҳ. Ҳ. Ғуломов олиб борди. Мажлисда ташкилий комитетнинг иш плани тасдиқланди, биродарлашган шаҳарлар биринчи учрашувига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш юзасидан министрликлар, идоралар, шунингдек Тошкент шаҳар ижроия комитети Бош бошқармаларининг вазифалари белгиланди. Бу учрашувга бағишланган босма маҳсулот ҳамда шаҳарни безатишнинг эскизлари кўриб чиқилиб тасдиқланди.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

◎ **НИКОСИЯ. Кеча Кипрда оролни икки қисмга ажратиб турган «хавфсизлик зонасида» Кипр Республикасининг президенти Г. Василиу билан кипрлик турклар жамоасининг бошлиғи Р. Денкташ ўртасидаги жамоаларо мунозараларнинг учинчи давраси бошланди.** Мулоқотнинг ҳозирги босқичи БМТ Бош секретарининг Кипрдаги махсус вакили О. Камильон ва БМТ Бош секретари ўринбосарлари бошқармасининг махсус сиёсий масалалар билан шуғулланувчи раҳбарларидан бири Г. Фейсел воситачилигида ўтмоқда.

◎ **АККРА. Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун Африка бундай маҳсулотлар сотиладиган асосий бозорга айланиб қолмоқда, деди Аккрада алкоголизм ва гиёҳвандликка қарши кураш халқаро кенгашининг вакили Дьюит Уильямс.** Бунинг сабаби шундаки, қитъадаги бир қанча мамлакатларда спиртли ичимликлар ва сигареталарни тайёрлаш ва сотиш чекланмаган.

Сўнгги 25 йил ичида Африкада спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол қилиш 400 процент кўпайди, деди Д. Уильямс.

◎ **ГАВАНА. Кубалик Амарилис Бланко тўрт эгиз туғди, тўртови ҳам ўғил бола.** Шунинг ўзи ҳам диққатга сазовор. Аммо кубалик мединклар учун бу алоҳида аҳамиятга эга. Гап шундаки, ультратовуш ёрдамида диагностика қилиш чоғида Амарилисда етти эмбрион аниқланган эди. Ҳомила нормал ўтиши учун врачлар учта эмбрионни олиб ташлашга қарор қилдилар. Куба медицина тарихидаги биринчи бор ўтказилган бундай операция муваффақиятли бўлди.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

Шартнома мажбуриятлари қандай бажарилмоқда?

Дўппи тор келганда

Тошкент экскаватор ишлаб чиқариш бирлашмасида буюртмачиларга маҳсулот етказиб бериш шартнома мажбуриятк бажарилмаяпти. Биринчи квартал якунига кўра пландагидан 102 та экскаватор кам ишлаб чиқарилди. Апрель ойи топшириғи ҳам уддаланмади. Шаҳримиздаги бу йирик корхоналардан бирининг бундай аҳволга тушиб қолиш сабаблари нимада?

...Бирлашмага келиб ишлар аҳволи билан ҳанишдик. Тайёрланадиган экскаваторларга мамлакатимиздагина эмас, чет элларда ҳам талабгорлар бор. Айниқса, катта ариқ, зовурлар кавлаш, ботқоқликларнинг захини қочириш учун коллекторлар қазишда жуда қўл келади. Ҳайбатли бу машинанинг оддий бир кичик мурвати бўлмаса ёки бузилса, ишламай қолиши аниқ. Кейинги 4 ой ичида экскаваторнинг редуктори ва муфтасининг танқислиги бирлашмани мушкул аҳволга солиб қўйган. Аслида редуктор Калинин шаҳридаги экскаватор заводида, муфта эса Тамбов шаҳридаги корхоналарнинг бирида ишлаб чиқарилиб, Тошкентга юборилади. Тармоқ министрлигининг буйруғига асосан Калинин экскаватор заводида редуктор ишлаб чиқариш тўхтатилиб, бутун цех машина, асбоб-ускуналари билан Тошкентга кўчирилди. Тамбовдан ҳам муфта юбориш тўхтатилди. Ҳар иккала деталь бирлашманинг ўзида тайёрланадиган бўлди. Бу яхши.

Албатта, бу бир қарашда жўндек туюлади, лекин амалга ошириш осон бўлмаяпти. Кўчириш бошланганига уч ойдан ошган бўлса-да, станоклар ҳали тўлиқ етиб келганича йўқ. Уларни ўрнатиш эса ундан қийин. Бирлашмада тайёр, бўш турган цех бўлмагани учун айрим цехлардан жой ажратилиб, ишлаб турган станокларни бошқа жойга кўчириб, ўрнига янги келганлари жойлаштириляпти. Шуниси эътиборлики, Калинин шаҳридан юборилаётган станокларнинг асосий қисми фақат редуктор қисмларини тайёрлашга мослашган бўлиб, завод рационализаторлари томонидан жорий этилган экан.

— Калинин шаҳридан 60 хил машина-механизмлар келтирилиши лозим. Ҳозиргача 45 таси етиб келди, — деди биз билан суҳбатда бирлашма бош механиги Ф. Исмоилов. — Қабул қилиб олинаётган станокларни пешма-пеш ўрнатиб, ишлаб чиқаришга шай қилиб қўяяпмиз. Дастлабки 20 та станок ишлаяпти.

Албатта, бу редуктор ишлаб чиқариляпти, дегани эмас. Цехнинг тўлиқ ишга тушиб кетиши учун фурсат керак. Яна бир томони, ишчилар учун янги станокларни ўзлаштириб, деталь тайёрлаш ҳам осон кўчмайди. Заводдагилар янги, ёрлиғи ҳам кўчирилмай, мойи аниқиб турган станокларни юборишармиди. Маълум бўлишича, машина механизмларнинг 7 таси 50-йиллардан, 40 проценти 60-йиллардан бери ишлатилар экан.

Корхонанинг қийин аҳволга тушиб қолишига фақат цехнинг кўчирилиши сабаб бўлаётгани йўқ. Тармоқ министрлигидагилар ҳам бирор фойдали нарсани кўзлаб шу қарорга келишгандир. Улар бирлашмадаги мушкулликнинг сабабини қандай баҳолаётганликлари бизга номаълум. Бироқ буйруқнинг тўппа-тўсиндан чиқарилмаганига аминмиз. Калинин шаҳрида, яъни заводда командировкада бўлган мутахассисларнинг айтишларича, экскаватор заводининг редуктор цехи Тошкентга кўчирилиши ҳақида ўтган йили гап бўлиб, кузга бориб аниқ бўлган. Бу ҳақда ҳатто завод ишчилари ҳам хабардор бўлганлар. Бироқ Тошкент экскаватор ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари «эътибор қилишмагани» қизиқ! Министрнинг бу ҳақдаги буйруғи 1988 йил 30 ноябрда чиққан. Орадан бир ярим ой ўтгандан кейингина бирлашма директори цехни қабул қилиб олиш юзасидан вазифалар тўғрисида буйруқ чиқарган.

Цехнинг кўчирилиши ҳақида бирлашмада ҳеч ким билмаса ҳам, раҳбарлар хабардор бўлишганига шубҳа йўқ. Бироқ улар керакли чоратадбирлар кўришмаган. Бизнингча, энг аввал 15—20 нафар ишчини ва 3—4 мутахассисни редуктор ишлаб чиқариш жараёнини, машина-механизмларни ишлатиш усулларини ўрганиш учун заводга юбориш лозим эди. Бирлашмада шундай қилинди. Фақат айни станоклар тўхтатилиб, Тошкентга юборишга бошланганда 10 нафар ишчи малака ошириш учун заводга борди.

Ҳар қандай уста ҳам ўзи учун янги бўлган станокда ишлаб, деталь тайёрлашда қийналади. Ваҳоланки, бирлашмада малакали ишчиларнинг ўзи етишмайди. Бирлашмадагилар редуктор ишлаб чиқариладиган цехни бирорта кооператив ташкилотга ижарага бериш ниятидалар. Бунинг афзаллиги: бир томондан, ишчи излаш масаласи ҳал бўлса, иккинчидан, яна аввалгидек тайёр маҳсулотга эга бўлишади.

Янги цех қачон ишга тушиб, маҳсулот бериши номаълум. Балки бирлашма раҳбарлари аниқ жавоб беришар. Иш кўлами оз эмас. Келаётган станоклар пешма-пеш ўрнатиляпти. Шу ўринда бир эътирозимиз бор. Ҳамма ҳаракатни бунақа дўппи тор келганда эмас, аввалроқ бошлаш керак эди. Масъулият чуқурроқ ҳис этилганда, бундай мушкул оқибатлар бўлмасди. Ахир, шартнома мажбуриятларини бажариш муҳим бурч эканлигини унутишга корхона раҳбарларининг асло ҳаққи йўқда!

С. ШАМСИДДИНОВ.
«Тошкент оқшоми» мухбири.

ШАНБА ОҚШОМИДА — ШАНБА ОҚШОМИДА

7 май—радио куни, барча алоқа тармоқлари ходимлари куни

«Тошкент ва тошкентликлар»

Якшанбадан тащқари ҳафтанинг ҳар куни соат 17.00 да Тошкент радиосининг ана шу эшиттириши бериб борилади.

— «Тошкент ва тошкентликлар» музикали информацион программаси асосан радиожурналистларимиздан Талъат Обидов, Исмоғил Фаттоҳов, Рихсивой Пўлатов ва Баҳодир Эгамбердиевларнинг меҳнати туфайли эфирга чиқади, — дейди Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитети Тошкент шаҳри ва области учун эшиттиришлар Бош редакциясининг бош редактори Шоазиз Шоалимов жамоатчи мухбиримиз Ш. Даминова билан суҳбатда. — Бу эшиттиришимизда биз мавзуни чегаралаб қўймаганмиз. Ранг-баранг мавзулар эшиттиришимизнинг жонли чиқишини таъминлаяпти. Хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида иш юритаётган корхона ва ташкилотларнинг эришган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилувчи, Озиқ-овқат программасини бажаришга хизмат қилувчи, шаҳримизда содир бўлаётган жиноятларнинг олдини олишга қаратилган қатор материал ларни бериб боряпмиз. «Шаҳримиз саранжом-саришта бўлсин!» рубрикаси остида берилаётган эшиттиришларни асосан, шаҳар кўчаларидан магнит лентасига ёзиб олиб, эшиттиряпмиз. Бу рейдларда шаҳар санитария-эпидемиология станцияси ходимлари ҳам қатнашмоқдалар.

Эшиттиришимизнинг «Янгича урф-одатлар, анъаналар — ҳаётга!» рубрикаси остида берилаётган саҳифаларида маҳаллалардаги тўйлардан репортажлар, тўй харажатини камайтириш хусусидаги фикр-мулоҳазалар бериб борилянпти. Ҳафтанинг шанба куни эфирга чиқадиган «Санъаткор билан учрашув» деб номлаган рубрикамиз ҳам радиотингловчилар диққатини жалб этган, буни мухлисларимиздан келаётган мактублардан билиш мумкин. Бу мактубларга мувофиқ «Ичкиликбозликка, безориларга шафқат йўқ», «Халқ контроли амалда», «Врач маслаҳати», «Милиция ахбороти», «Ҳамшаҳарлар — сизлар учун», «Элга хизмат — олий ҳиммат», «Шаҳар — қишлоққа, қишлоқ — шаҳарга» каби рубрикалар остида турли мавзуда материаллар бериб борилянпти.

Айниқса, ойда бир марта эфирга чиқадиган «Адолат» радиожурналининг мухлислари кейинги пайтда кўпайиб кетди. Ҳар ойда улардан олинаётган 200—300 мактуб буни кўрсатиб турибди.

Эшиттиришимизнинг ижодий ходимлари жойлардаги жамоатчи мухбирларимиз билан яқиндан ҳамкорлиқ қилиб келишмоқда. Эшиттиришимизнинг ҳар томонлама жонли ва сермазмун бўлишида жамоатчи мухбирларимиздан Ғайрат Болтабоев, Иқромжон Раҳимов, Фарҳод Файзиев, Баҳодир Валиев, Ғайрат Шоқурбонов, Рустам Ёвқочов, маданият бўйича шарҳловчимиз Боқибулла Каримов, режиссёр Фатхулла Расулов, Неъматжон Холматов. оператор Клара Ёқубова ва Фарида Муҳаммаджоновларнинг хизматлари катта бўлмоқда.

Энди редакциянинг келажакдаги режалари ҳақида икки оғиз сўз. Келгусида эшиттиришларимизнинг жонли чиқиши учун репортажни тўғридан-тўғри жойлардан олиб боришни режалаштиряпмиз. Ижоди борича студиядан камроқ фойдаланмоқчимиз. Тингловчи билан мулоқотни тўғри эфир орқали амалга оширишни режалаштираяпмиз.

СУРАТДА: катта редактор И. Фаттоҳов (чапда) овоз ёзиш студиясида.

Т. Каримов фотоси.



Ҳаёт жўшқин жойда

Душанбедан унча узоқда бўлмаган Ҳисор районининг Шарора қишлоғи табиий офат оқибатида деярли яксон бўлди. Бошқа жойлар ҳам қаттиқ зарар кўрди. Юзлаб кишиларнинг қурбон бўлгани бу даҳшатли зилзиланинг энг оғир кулфатидир.

Ўзбекистон телевидениесининг «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари» кўрсатув камераси ҳам ўша кунларда Ҳисор районига қаратилди. Ўзбекистон ва Тожикистон телевидениеси ҳамкорлиқда тайёрлаган ўша махсус телекўрсатув кўпчилик қалбида катта таассурот қолдирди.

Кўп ўтмай ўзбек тележурналистлари яна Ҳисор районида бўлдилар. Бу галги кўрсатув икки республика телевидениесининг журналистлари Дадахон Ёқубов ва Мунира Раҳимовалар «Ассалом, Наврўз» байрами ҳақида ҳикоя қилиб бердилар. Бу анъананинг Ўрта Осиёда қадимдан байрам қилиниб келганлиги ишонарли мисоллар асосида кўрсатилди. Жумладан, 1927 йилдаёқ Хўжанд (Ленинобод) шаҳрида Наврўзнинг эркак ва аёллар учун совет байрами, деб тантанали эълон қилиниши ўша шароитда Ўрта Осиёда эркаклар билан аёллар тенг ҳуқуқлигини барқарор қилишда катта аҳамиятга эга бўлганлиги таъкидланди.

Кўрсатувда ҳозирги кунда Тожикистон ва Ўзбекистонда Наврўзни халқ ҳашари сифатида ҳам байрам қилиниши, лола очилганда ёшларнинг «Қизил гул» сайли бошланиши айтилди. Диққатга сазовори шундаки тележурналист Дадахон Ёқубов қардош тожик телевидениеси билан ҳамкорлиқда тайёрлаган «Ассалом Наврўз» кўрсатуви учун 1989 йил 15 апрелда Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Мухтор СУЛАЙМОНОВ,
ТошДУ студенти.

⊙ СУРАТДА: Ўзбекистон телевидениесининг тележурналисти (ўнгда) Дадахон Ёқубов дўстлари даврасида.

Кўзларига дам бермай

РАДИО ва алоқа хизмати ходимлари куни муносабати билан анчадан бери қаламга олмоқчи бўлиб юрганим аёл ҳақида ёзаяпман. Аслида, бундай инсонлар ҳақида маврид танламай, навбат кутмай, изн сўрамай ёзмоқ керак. Улар ҳақида ёзмоқлик — инсонга хос яшамоқ тарзларини кенг ёймоқ, ҳақиқат нурларининг доирасини кенгайтирмоқ, меҳнатда ва одамларга муносабатда инсофи йўқлар енгидан тортиб, «сен билан бир замонда, бир маконда яшаётган шундай одамлар бор» демоқлик бўлади.

Зулфия Обидова... Бу ном кўпгина радиотингловчиларимизга таниш. Йўқса, «бу мактуб Зулфия Обидовага тегсин» деган алоҳида истак билан хатлар келармиди? Йўқса, эшиттириш эфирда янграгач, хонада телефонлар кетма-кет жиринглаб, раҳматномалар ёғилармиди? Йўқса, у билан бирга ишлайдиган ҳамкасблари шу жуссаси кичиккина, одми кўринишдаги аёлга кўзлари тушиши билан қўлларини кўксиларига қўйиб, алоҳида ҳурмат билан саломлашиб ўтармидилар?!

У киши билан йигирма йилга яқин бирга ишлайман. Дилкашлиги ўша-ўша, меҳнаткашлиги ўша-ўша, самимияти ўша-ўша. Зулфия опанинг ҳаёт йўли, меҳнат фаолиятининг мазмунини ана шу олижаноб фазилатларнинг ўзи белгилаб туради. Бу журналист аёл менга ва ҳамкасбларимга қўлга қалам олиб ёзмоқликнинг катта масъулиятини ҳассослик билан тайёрлаган эшиттиришлари орқали, ёзганларидан ўчирганлари кўп меҳнатлари орқали, толиқиб-толиқиб қолаётган кўзларига дам бермай, соатлаб қоғоз узра ўтирган лаҳзалари орқали янгилатиб яшайди. Ҳамкасбларига умрнинг, вақтнинг ўтиши, шон-шавкатларнинг вақтинчалиги азалий ҳаёт қонунияти эканини, аммо ҳалол хизмат меваларининг халққа қолар ҳикматини мақтовларга, мукофотларга эътиқод қўймай оддийгина яшаш тарзи орқали англатиб яшайди.

Мен Зулфия Обидованинг Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Домла Ҳалим Ибодов, Муҳиддин Қориёқубов, Юнус Ражабий, Дони Зокиров каби санъатимиз сардорлари ҳақида тайёрлаган ва илтимосларга биноан такрор-такрор берилган эшиттиришлари, Ўзбекистоннинг бугунги музикий хазинасини бойитиб бораётган бастакорлари, созандалари ҳақида тайёрлаган ҳикоялари, гоҳ «Она алласи» бўлиб, гоҳ «муҳаббат сурури» бўлиб қалбларга кирган эшиттиришлари ҳақида ҳикоя қилмоқчи эмасман. Уларни радио тўлқинлари орқали эшитгансиз ва ҳузур олгансиз. Сиздан келган хатлар ва сўз ва мазмун қудратидан баҳра олган қалбингизнинг ташаккур ифодалари бўлиб, редакциямиз почтасига келиб турибди.

Яхши ёзадиган журналистлар кўпчиликни ташкил этади. Аммо ёзганлари билан шахсиятлари уйғун келадиганлари кам. Мени Зулфия опанинг инсоний фазилатлари кўпроқ мафтун этади. У киши бугунги кунда ўзбек совет музикаси бўлимини бошқара туриб, баъзан бирон кичик муҳаррир келмай қолганда унинг бажарадиган юмушини бажаради, бўш вақт топди дегунча ҳар қайси бўлимга алоқадор хатларни ажратиб, алоҳида эътибор берилиши керак бўлганларини таъкидлаб, муҳаррир қўлига топширади. Истеъдодли ёш журналист тайёрлаган яхши эшиттириш учун унинг олдига келиб, «раҳмат» айтишдан орланмайди. Аксинча, устознинг бурчи деб билади. Маслаҳат сўраб ёнига келган ёшларнинг ҳеч бири унинг ёрдамини олмай кетмайди. Ўзининг ишларини четга суриб бўлса ҳам, шогирдларга йўл-йўриқ кўрсатишдан вақт, куч аямайди опа.

Зулфия опанинг шахсий ҳужжатида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи, «Меҳнатдаги шуҳрати учун» медали, СССР телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетининг Фахрий ёрлиғи, «Социалистик мусобақа ғолиби» нишони, меҳнатдаги юксак кўрсаткичлари учун фахрий ёрлиғи бор.

Бу фахриномамизни кенгайтиришимиз мумкин эди. Лекин билимдон, меҳнатда илғор, фикрлаш доираси кенг бу аёлнинг радиода ўтган ҳаёти мазмунини белгилаш учун шуларнинг ўзи кифоя.

Маъфура МУҲАМЕДОВА.

Мамлакатлар, одамлар, одатлар

СЎНГГИ НАФАС СОЛИНГАН КОЛБА

Америка музейларида кўпдан-кўп ғаройиб экспонатларга дуч келиш мумкин. Масалан, Окли (Канзас штати) табиат музейида акула тишидан ясалган катта давлат муҳрининг нусхаси сақланади. Сент-Огастиннинг АҚШ тарихидаги фожиалар музейида (шундай музей ҳам бор) актриса Жейн Менсфилд ҳалок бўлган автомобиль кўргазмага қўйилган. Флорида қишки паркида жойлашган Роллинс-коллеж шон-шуҳрат галереясида кўр ва кар-соқов бўлган ёзувчи Эллен Келлернинг қўли теккан тош сақланади. Канзасдаги «Делтон» музейида Америка территориясига ёққан энг йирик дўл парчаси кўргазмага қўйилган. Президент Леннединнг қотили Ли Харви Освальдга тегишли консерва очадиган пичоқ Техасдаги «Гэфорд фэмили» музейининг экспонатларидан бири ҳисобланади. Дирборндаги (Мичиган штати) Генри Форд музейида эса томошабинларга гўёки Томас Эдисоннинг «сўнгги нафаси» жойланган колбани кўрсатишлари мумкин.

ТАЪЛИМГА ИЛОВА

Беверли-Хилс (АҚШнинг Калифорния штати) коллежларидан бирида олти ойлик пулли курслар фаолият кўрсатиб турибди. Ана шу курсларда барча хоҳловчилар паришонхотирликдан қандай фориғ бўлишга ўргатилади. Таълимнинг натижалари қандай? Курсларнинг собиқ талабаларидан бири яқинда курс раҳбарларидан олган мактуб унинг натижаларидан ёрқин гувоҳлик беради. Мактубда жумладан шундай деб ёзилган экан: «Ҳурматли мистер Робертс, сизни курсларимизни муваффақиятли тугаллаганингиз билан чин қалбдан табриклаймиз. Сиздан кўнгилсиз камчиликдан фориғ бўлишингизда ёрдам берган таълим методикаси ҳақидаги фикрларингизни бизнинг адресга йўллашингизни сўраймиз. Илова. Канцелярияда унутиб қолдирган соябонингиз ва қўлқопингизни почта орқали жўнатаяпмиз...».

МУЗЕЙ ЭШИКЛАРИ ОЧИЛДИ

Франция, Маълум танаффусдан сўнг жаҳоннинг энг йирик музейларидан бири — Париж Луври ўз эшикларини очди. Томошабинлар бебаҳо коллекциялар билан танишиш учун француз қиролларининг собиқ саройи олдида қад кўтарган ойнаванд пирамида орқали ўтишлари керак.



Парижнинг диққатга сазовор объектларидан бири бўлиб қолган ана шу ноёб иншоот 56 минг квадрат метр майдондаги бутун бошли ер ости шаҳарчасини ўз паноҳига олган. Улкан залда томошабинлар оқими музейнинг қайси бўлимини кўздан кечириш ниятида эканликларига кўра тақсимланади. Иккита мажлислар зали очилган. Қирол Филипп II Август бунёд этган биринчи қалъа пойдевори музейнинг мустақил экспонати бўлиб қолган. Ана шу пойдевор музейнинг ер ости комплекси қурилишидан олдин олиб борилган археологик қидиришлар вақтида топилган эди.

Сўнгги реконструкция ишлари музей тобора кўпайиб бораётган зиёратчилар оқимини сиғдиролмай қолганлиги сабабли олиб борилди.

СУРАТДА: ойнаванд пирамиданинг бир қисми.

АП—ТАСС телефотоси.

ҒАРОЙИБ КАРТИНА

Венециялик мусаввир Элио Чолани ҳақли равишда энг ғаройиб картинанинг муаллифи деб эташ мумкин. Мазкур асарнинг сатҳи тўрт квадрат метрдан зиёдроқни ташкил этади. Аммо гап унинг сатҳида эмас. Топқир рассом картинани яратишда бўёқлар ўрнига... тухум пўчоғи синиқларидан фойдаланган. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, мазкур асар (унда шаҳар манзараси акс этган) юксак даражадаги ижро маҳорати билан ажралиб туради.

КЎЧИРМАКАШЛАРГА ҚЎЛЛАНМА

Францияда Дезире Одрикнинг «Имтиҳон олувчиларни алдаш йўллари» китобига студентлар ва ўқувчилар ўртасида талаб жуда катта. Мазкур китобдаги йигирма лекцияда кўчирмакашликнинг турли-туман йўллари ва имтиҳонларда қўлланиладиган ҳийла-найранглар баён этилган. Бир йўла асар хотимасида муаллиф китобнинг ёзилишидан асосий мақсад имтиҳон синовларининг беҳудалигини калака қилишдан иборат, деб тасдиқлайди.

ОБЪЕКТИВДА —БАРСЕЛОНА

Барселона — Испаниянинг шимолий-шарқида, Урта ер денгизида жойлашган шаҳар ва порт. Каталониянинг бош шаҳри ва Барселона вилоятининг маъмурий маркази — мамлакатнинг энг муҳим иқтисодий ва маданий марказларидан биридир. Барселона диққатга сазовор обидалари: 10—19-асрларда бунёд этилган кўп сонли меъморчилик ёдгорликлари билан шуҳрат қозонган.

СУРАТДА: кафедрал собори.

Б. Клипиницер фотоси.

(ТАСС).

АВЛОДЛАР УЧУН

Скандинавия мамлакатларининг олимлари Шпицберген архипелагининг ороллaридан бирида одатдан ташқари омборхона бунёд этдилар. Бу ерда йўқолиб бораётган ўсимликларнинг уруғлари сақланади. Ун мингдан зиёд ўсимликларнинг намуналари шиша капсулаларга солиниб, металл контейнерларга жойланган. Омборхонада мунтазам бир хил паст ҳарорат сақланади. Бахтга қарши омборхонага янгидан-янги ўсимликларни жойлашга тўғри келаяпти, деб таъкидлашади мутахассислар.

ЎЗИГА ХОС «ҲАМКОРЛИК»

Нью-Йорк полициясининг собиқ агенти билан модельер ўртасида қандай ҳамкорлик бўлиши мумкин, деб ўйларсиз. Масалан Стэфэн Андрилиш билан Томос Дзиццо ўртасидаги ҳамкорлик ўқ ўтказмайдиган пўстин яратилишига олиб келди. «Фамилья Кристиана» журнали таъкидлашига қараганда, мазкур модель бадавлат, аммо асабий ва бадгумон кишилар учун мўлжалланган. Оддий пўстин ичида пўлатдан беш баравар мустаҳкам синтетик толадан тўқилган корсет бор. Ана шу махсус астар туфайли пўстиннинг вазни икки килограммга оғирлашган, аммо тўла хавфсизликка кафолат беради. Ҳар бир ана шундай пўстин ҳисоб-китоб қилиб борилади, уни ишончли кишиларгина со-

тиб олишлари мумкин. Баҳоси эса 2,5 минг доллардан 75 минг долларгача.

ТАСС фотохроникаси.

ДАРАХТГА ЧИҚИШ БУЙИЧА

Ғарбий Европа мамлакатларида, шунингдек Америка Қўшма Штатларида дарахтга кўтарилиш мода бўлиб бораяпти. Янги қизиқишнинг ташаббускорлари ҳар хил арқонлар, мосламалар, эҳтиёт воситалари билан қуролланиб, энг баланд дарахтларнинг учига кўтарилишяпти. Дарахтга кўтарилувчилар ҳар йили энг баланд секвойя дарахтлари ўсадиган Калифорнияга — ўз мусобақаларига тўпланишади. Жюри танлаган дарахтга энг қисқа вақтда кўтарилган қатнашчи мусобақа ғолиби деб топилади.

УХЛАШНИ ҲАМ БИЛИШ КЕРАК

«Нима учун биз ухлаймиз?» деган саволга кўпчилик: «Чунки организмимиз шуни талаб қилади-да» деб жавоб беради. Аммо уйқу жараёнидан организмимиз аниқ нималарни талаб қилади, ана шу жараённинг ўзи қандай ўтиши керак, деган саволга ҳеч ким дуруст жавоб беролмаса керак. Франция илмий-тадқиқотлар Миллий марказининг ходими, медицина доктори Одиль Бенуа яқинда ўз тажрибалари билан танишиш истагини билдирганларни телевизионер экрани яқинига таклиф қилди. Илмий таҳлил натижаларига қараганда, икки соат кам ухлаш саломатликка икки соат кўп ухлаш каби бир хил — зарарли таъсир этар экан. Нормал уйқу қанча давом этиши керак? Мазкур саволга доктор Бенуа шундай деб жавоб беради: «Ҳамма нарса муайян инсонга боғлиқ, аммо ҳар қандай ҳолда ҳам бу муддат олти ярим соатдан тўққиз соатгача давом этиши мумкин». Ана шу вақтдан кам ухлаш ҳам, кўп ухлаш ҳам тавсия этилмайди. Ҳамма қай вақтда ётиб, неча соат ухлашини ўзини тетик ҳис этишига қараб танлаши лозим. Агар ўзингиз танлаган режимдан чекинмасангиз сизга ҳеч қандай уйқу дориси керак бўлмайди.

КЎЧАДАГИ ҲАЙКАЛЛАР КЎРГАЗМАСИ

Жанубий Корея, Сеулда, шаҳар кўчаларидан бирида одатдан ташқари кўргазма намойиш этилмоқда: ўткинчилар эътиборига таниқли ҳайкалтарошларнинг 30 асари ҳавола қилинади.

Кўргазма ташкилотчилари ҳамиша вақт танқислиги сезиладиган ҳозирги ҳаёт маромини ҳисобга олиб, санъат асарларини кўчага олиб чиқишга, бевосита шаҳар муҳитида уларни кўпчилик эътиборига ҳавола этишга қарор қилибдилар.

Кўргазмага қўйилган ҳайкалларнинг ҳар бири юксак маҳорат билан яратилган бўлиб, томошабинларнинг маълум ҳис-туйғусини уйғота олади. Гранитдан ишланган «Оила» ҳайкали лирик ҳароратни, ҳаракатдаги «Ғаройиб қушлар» фигураси қизиқишни уйғотади.

Ёш оналар фарзандлари билан шу кўчага тез-тез келиб туришади.

СУРАТДА: замонавий услубдаги ҳайкаллардан бири.

ТАСС фотохроникаси.

ШАНБА ОҚШОМИДА

ШАНБА ОҚШОМИДА

Ҳикматли гаплар

Одоб—мисоли нур

⊙ Ширин сўз — тилнинг зийнати, одоб —феъл-атворнинг фазилати.

⊙ Эртанги кунинг фароғатини бугунги куннинг жасорати билан яратгин.

⊙ Одамнинг ҳуснини мулойим одоби яна ҳам зийнатлайди.

⊙ Камтарлик — сотиб олиб бўлмайдиган бойлик, уни бировга ҳадя ҳам этиб бўлмайди.

⊙ Яхши хотин — соф олтин, у ҳамма вақт поклик ва садоқат билан балогардон туради.

⊙ Ростгўй одам — ҳақиқатнинг отаси.

⊙ Сояга ишониб бўлмайди, у офтоб чарақлаб турганда оёғинг остида, бошингга булут келганда ғойиб бўлиб қолади.

⊙ Гул муаттар ҳиди билан қадрланади.

⊙ Одоб—мисоли нур, у қалбингда бўлса йўлингни доим ёритиб бораверади.

⊙ Яхшиликни севган одам «ёмонлик» сўзини тилга олишдан ҳазар қилади.

⊙ Қаноат қилган одам шарофат топади.

⊙ Содиқ дўстингни ҳеч қачон ранжитмагин, кўнглини кўз қорачиғинг деб билгин.

⊙ Виждон — энг одил ҳакам, унга доим қулоқ сол.

⊙ Пок инсон шу олти нарсани мўътабар деб билиши керак:

1. Ҳалол меҳнат билан топилган бойликни;

2. Ота-онанинг қадр-қимматини унутмасликни;

3. Самимий дўстликни асрашни;

4. Одамларга фойдаси тегадиган ишларни бажаришни;

5. Умр йўлдошини ўзидек азиз ҳисоблашни;

6. Ота-онаси, фарзандлари, дўст-биродарлари, ёри ва ўз саломатлигини ўйлайдиган кишиларни.

⊙ Биринчи хато ўтади, иккинчи хато ҳам изсиз йўқолади, учинчи хатодан кейин бу одат болалай бошлайди.

⊙ ҲИКМАТ: яхшини асраш, ёмонни йўқотиш қийин.

⊙ МАЖОЗИЙ ҲИКМАТ: қора наматни ҳар қанча ювган билан оқармайди, аччиқ сўзнинг доғи юракдан кетмайди.

⊙ Толеи баландга ҳавас қилинг,

Дилни ҳасадга қафас қилинг.

Тўлқин РАСУЛЕВ тайёрлаган.

Зеболик сирлари

ЎСМАДАН ҚОШЛАР ҚАРО

Ҳурматли редакция! Аёллар қошга қўядиган ўсма шифобахш дейишади. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Раънохон НУРМАТОВА,
Мўйноқ кўчасида истиқомат қилувчи.

Шарқ халқлари қадимдан турли шифобахш гиёҳлардан омилкорлик билан фойдаланиб келадилар. Ўсма, хина каби ўсимликларни орасталик ва зеболанишда ишлатадилар. Наврўздан то қишгача аёллар қошга ўсма қўядилар. Нафақат ёшлар, бувижону-аяжонларимиз ҳам ўсмани даво деб қош ва киприкларига қўядилар.

Хўш, ўсманинг қандай шифобахш хосиятлари бор? Ўсма қош ва киприкларга қора бахмалдек зеб бериш билан бирга, табобат оламида бир қанча касалликларни даволашда жуда қадимдан фойдаланиб келинади. Ўсманинг шифобахшлик хосиятларини тиб илмининг бобокалони Абу Али ибн Сино алоҳида айтиб ўтган. Ўсма зотилжам, сарамас, куйган ва жароҳатланишда даво сифатида тавсия этилади.

Китоб жавонингизга

«Шифобахш гиёҳлар хосияти»

Диёримиз серқуёш, тупроғи унумли, суви кавсар, об-ҳавоси мўътадиллиги билан ўсимликлар ривожига яхши омил яратади. Ўлкамизнинг тоғ, қир, чўл, дала ва боғларида минглаб тур наботот олами ўсади, шулардан 500 тури шифобахш гиёҳ ҳисобланади. Ўзбекистонимизда етишадиган турфа мева ва сабзавотларнинг шифобахшлиги эса кўпчиликка маълум. Ҳозирги пайтда диёримизда ўсадиган 500 шифобахш гиёҳнинг 47 тасидан илмий медицинада, қолган турларидан эса халқ табобатида қўлланиб келинмоқда. «Медицина» нашриёти яқинда фарғоналик доришунос Мирзамир Мирзашариповнинг «Шифобахш гиёҳлар хосияти» китобчасини чоп этиб, ўсимликларнинг қайси дардларга даво бўлишини ўз ўқувчиларига тақдим этди.

Китобдан биргина пиёз ҳақидаги маълумот билан қисқа танишайлик: «Пиёзнинг 400 га яқин тури бўлиб, 230 тури диёримизда кенг тарқалган. Пиёзнинг шифобахшлиги қарийб тўрт минг йиллар муқаддам Шарқ мамлакатларида аён эди. Уруғи доғни кетказади. Туз билан қўшиб ишлатилса, сўгалларни қўпоради, суви чиркин яраларга фойда қилади. Қулоқ шангиллашида, йиринг ва сув пайдо бўлишида қулоққа томизилади».

Шифобахш гиёҳлар ҳақидаги китобда ана шундай қизиқарли кўпгина маълумотлар берилган. Турли дардларга даво бўладиган бўймадорон, ковул, жилонжийда, далачой, оққалдирмоқ, ялпиз, қалампир, заъфарон, зубтурум, сабзи ва бошқа неъматлар ҳақида, уларнинг тури, қаерларда ўсиши, қандай хасталикларга даво бўлиши атрофлича ва батафсил ёритилган.

Муаллиф китобида ҳар бир шифобахш ўсимликнинг хосиятларини, улар ўз таркибида қандай модда ва маъданларни сақлаши, халқ табобати ва илмий медицинада ишлатидиши, ўсимликлардан дамламалр тайёрлаш ва фойдаланиш ҳақида аниқ маълумотлар беради. Шуниси диққатга сазоворки, китобда муаллиф кейинги йилларда мутахассис олимлар баъзи гиёҳларнинг янги хосиятларини очганликларини баён этган.

Хулоса қилиб айтганда, «Шифобахш гиёҳлар хосияти» китоби аниқ маълумотлар асосида содда тилда, равон ёзилганлиги билан ўз ўқувчиларини мамнун этмоқда.

Луқма

Алломага ҳурмат шуми?

Йўлингиз шу томонга тушса, Чилонзор ва Акмал Икромов районларининг туташ қисмида буюк аллома ал-Хоразмий майдонига бир келинг. Майдон ранго-ранг гуллардан яшнайди. Бу ер ҳамиша озода, ҳордиқ чиқариш учун ўриндиқлар қўйилган. Атрофдаги кўп қаватли уйларда яшовчи кексаю-ёш, айниқса кичкинтойлар бу ерда яйрашади. Майдон ҳар кеч, айниқса шанба ва дам олиш кунларида гавжум бўлади. Буларнинг ҳаммаси яхши.

Лекин бир нарса кишини ташвишга солади. Бу ҳам бўлса, майдон марказига ўрнатилган Ўрта Осиёнинг машҳур математик олими ал-Хоразмий ҳайкалининг бу кунги қиёфаси. Салобатли ёдгорлик жуда кенг, пастак мармар пойдеворга ўрнатилган. Унинг бунёд этилганига ҳам кўп вақт бўлгани йўқ (ҳайкал 1983 йилнинг кузида тантанали очилган). Шундан бери у емирилиб бораяпти.

Бунга сабаб, унинг бир мунча сифатсизлигидан бўлса керак. Ҳозирда ҳайкалнинг олд қисми, орқа тарафларининг остидан бир неча жойи кўчиб кетганлигидан ғовак бўлиб қолди. Олдинлари озгина емирилиши ҳам тезда тузатилиб қўйилларди, эндиликда мутлақо эътиборсиз қолди. Ёдгорлик шаффоф — оқ рангда бўлиб, у бир неча бор оқланди. Лекин ҳар сафарги оқлашдан кейинги ёққан қор ёки ёмғир унинг қиёфасига путур етказди.

Яна бир нарсага одам ачинади. Ёдгорликдаги алломанинг номи, яшаб ўтган йиллари акс эттирилган лавҳа жуда кўримсиз бўлиб, у бутунлай ўчиб кетган, ўқиб бўлмайди.

Умид қиламизки, Чилонзор район ижроия комитетининг ободонлаштириш бўлими, қолаверса Тошкент шаҳар ижроия комитетининг мутасаддилари буюк аллома ҳайкалига нисбатан бу ҳурматсизликка тезда барҳам берадилар.

Фозилжон ОРИПОВ.

Шаҳримиз театрларида

⊙ Куни кеча Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри инқилоб қуйчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг 100 йиллик юбилейи шарафига «Ҳамзанома» театрлаштирилган спектаклини томошабинларга ҳавола этди.

Мазкур спектакль Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи», «Заҳарли ҳаёт» драмалари, «Майсаранинг иши» комедияси, шунингдек бошқа драма ва шеърларидан ташкил топган. Асарда театрнинг барча актёрлари иштирок этишади. «Ҳамзанома» театрлаштирилган-спектаклни театр режиссёри Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Рустам Ҳамидов саҳналаштирган. Ҳамза образини эса республикада хизмат кўрсатган артист М. Абдуқундузов талқин этган.

Кеча театр группаси Қозоғистон бўйлаб гастроль сафарига жўнаб кетди. Коллектив республика областларида, районларида ва пойтахт — Олмаота шаҳрида «Келинлар қўзголони», «Олтин девор», «Нажот истаб», «Отелло», «Ҳазрати аёл» каби ўнга яқин саҳна асарларини қозоғистонлик санъат ихлосмандларига намойиш этишади.

* * *

⊙ Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри биносида М. Авезов номидаги Қозоғистон Давлат академик драма театрининг гастроллари бошланди. Қозоғистон театр усталари ўз гастроль томошаларини Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Г Мусреповнинг «Қўзи корпешбаён сулуви» асари билан бошлашади. Шунингдек, ҳамшаҳарларимиз йигирма кун давомида қозоқ драматурглари Т. Ахтановнинг «Йўқолган дўст», Ё. Долебаевнинг «Синфимиз қизлари», Ленин мукофоти лауреатлари М. Авезов ва Ч. Айтматовларнинг «Қоракўз» ҳамда «Оқ кема» каби элга машҳур асарларини томоша қилишлари мумкин.

* * *

⊙ Ўзбек Давлат «Ёш гвардия» драма театри коллективи Сибирь ўлкасига гастроль сафарига жўнаб кетди. Қадимий ўлка бағрида коллектив Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Майсаранинг иши» комедиясини ҳамда япон драматурги Кноситанинг «Турна пати» асарини Қуйи Тагил шаҳри санъат ихлосмандларига намойиш этишади.

Д. ЖАЛОЛОВ.

Шажара нима?

⊙Ҳурматли редакция, ўзбекларда етти авлод шажараси деб нимага айтилади, шу ҳақда маълумот берсангиз.

Мастура ИНОЯТОВА,
ўқитувчи.

ШАЖАРА арабча сўз бўлиб, рўйхат, тарих, силсила маъноларини беради. Шажара тарихи билан маълум бир уруғ авлодларининг келиб чиқиши ва уларнинг ўзаро қариндошлик даражаси аниқланади. Бунда авлод изчиллик билан санаб чиқилади. Ҳозирги пайтда ҳам халқимиз орасида катта ва кичик шажаралар бор. Шажара тарихини билиш ақл-идрок ва ўта зукколикни талаб қилади, буни айниқса ақли доно отахон ва оналар яхши таърифлашади.

Авлод шажараси қуйидагича рўйхат қилинади:

1. Ўғил — отанинг боласи;
2. невара —боланинг боласи;
3. эвара — невараниг боласи;
4. чевара — эвараниг боласи;
5. пайневара — чевараниг боласи;
6. кунун невара — пайневараниг боласи;
7. ёт невара — кунун невараниг боласи.

Ёки, бошқа тартибда қуйидаги ча: «Мен — болам — невара — чевара — эвара, кавара — дувора — томдан итариб юбора» бегона дегани) каби шажараларда етти авлод, уларнинг кимлиги, қаерларга тарқалганлиги, нуфузи ва ижтимоий аҳволи каби маълумотлар келтирилади.

Рангли пахта борми?

⊙ Биз «оқ олтин» деган пахта ўсимлиги фақат оқ бўладими, ёки гулларга ўхшаган ранглилари ҳам борми?

Нигора ХУЖАЕВА,
ТошПИ студенти.

ПАХТАНИНГ ранглилари ҳам бўлади. Масалан, перулик ҳиндулар жуда қадимдан пахталарда табиий сарғиш, жигар ранг, кулранг ва бинафша ранг тусдаги пахталарни экиб етиштирганлар. Яқинда селекционерларнинг тажриба ўтказиб аниқлашларича, бундай рангли пахталарни иқлим мўътадил бўлган Перудан бошқа жойларда ҳам қийинчиликсиз етиштириш мумкин экан. Ўзбекистонимиз шароитида тажриба қилинган рангли пахталар кўсаги жуда кичик — наъматак гулидек бўлгани учун, ҳосили баракасиз, деб эқилмайди.

Пайдо бўлиб, йўқоладиган ороллар

Эшитишимча, дунё океанларида янги ороллар пайдо бўлиб турар экан? Шу тўғрими?

Низомиддин НОСИРОВ,
«Ташсельмаш» заводи ишчиси.

ОКЕАНЛАР остида зилзила ва портлашлар бўлиб, шулар оқибатида сув устида оролчалар кўтарилади. Ўтган йилнинг 20 январида Тинч океанидаги Иводазима деб номланган Япония ороли яқинида юз берган кучли портлаш натижасида кичкинагина оролча пайдо бўлди. Геолог олимлар илгаридан, бундай кичик оролчалар океаннинг кучли тўлқинлари зарбасига бардош беролмайди, деб башорат қилишарди. Каромат олимлар ҳақ бўлиб чиқишди. Океанда пайдо бўлган янги оролча дунё харитасидан жой ололмай, «юлдуз кўрмай жон берди». Оролча бир ярим ой жамолини кўз-кўз қилиб турди-да, тўлқинларнинг зарбига бардош беролмай океан тубига чўкиб кетди. Бир километрча узунликдаги янги оролча ўрнида яна тўлқинлар мавжжлана бошлади.

Сўраб ўрганган доно бўлур

Уч ярим асрлик чинор

⊙ Тошкент шаҳримизда кекса чинорлар борми?

Ҳусниддин БУРХОНОВ,
медицина ходими.

ШАҲРИМИЗ яшиллик оламида чинор дарахтлари кўп. Энг кекса чинорлардан бири илгари Хастимом мачитининг шарқий томонида ўсар эди, у ўн йилча илгари қуриб, умрини тугатди. Яқинда республика табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг мутахассислари шаҳримиздаги қадимий чинорлардан бирини аниқлашди. Пойтахтимизнинг Ленинград кўчасида, Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институти қаршисидаги чинор 360 йилдан бери ўсиб турибди. Шу кўчада яна бир неча кекса ва улкан чинорлар бор. Булар Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш жамияти томонидан давлат муҳофазасига олинган.

896 фарзандли султон

⊙Одам умрида қанча фарзанд кўриши мумкин?

Баҳодир ТУРСУНОВ,
шофёр.

КАНАДАЛИК капитан Уильсон Кетли (1860—1963) бир юз уч йил яшаб, ўн бир фарзанд, 64 невара, 201 эвара, 305 чевара кўриб ҳаётдан кўз юмди. Эронлик 140 ёшли Бахш Али Сабзнинг 30 ёшли хотини ўғил туғди. Бу чол бундан роса юз йил муқаддам ўйланган бўлиб, биринчи хотинидан туғилган ўғли ҳозир 87 ёшда экан. Бу ҳақда «Эл-Мужаҳит» газетаси хабар берган.

Дунё бўйича серфарзандликка келганда Марокаш султони Маул Исмоил (1640—1727) га тенг келадиган йўқ. Унинг 896 боласи бўлган. Исмоил фарзандларининг рўйхатини олишга махсус бир кишини ажратиб қўяди. Султон фармони билан ўғил туққан хотинига олтин устара, қиз туққан хотинига кумуш ойна совға қилинган. Шундай қилиб Маул Исмоил хотинларига 548 та олтин устара, 348 та кумуш ойна совға қилган экан.

Оқ турна

⊙ Қора оққуш, оқ турна ҳам бўладими?

Рихситилла НАМОЗОВ,
бинокор.

Табиат — ҳар нарсага қодир, деб бежиз айтишмайди. Бу оламдаги ҳайвоноту наботот ранг-баранг яратилган. Қора оққуш, оқ мусича, оқ турналар ҳам табиатнинг мўъжизаси ҳисобланади. Ўзбекистонимизнинг Амударё ва Сирдарё соҳилларида оқ турна бор. Оқ турналар ботқоқликлардаги, кўллар атрофидаги ва тўқайлардаги ўсимлик илдизлари, майда балиқлар билан озиқланади. Оқ турнанинг оғирлиги 10 килограмм, қанотларининг узунлиги 60—70 сантиметргача боради. Бу турна СССРнинг «Қизил китоб»ига киритилган бўлиб, овлаш қатъиян ман қилинган.

Материалларни
Т. АШРАФХОНОВ тайёрлаган.

Фестивални кутиб

Тошкентдаги 209-мактабда ўтказилган интернационал дўстлик кечасида қатнашган барча кишилар корейс халқининг маданияти, анъаналари, урф-одатлари билан танишдилар. Бу мавзу байрам учун танлаб олинганги тасодифий эмас: кеча ёшлар ва студентларнинг Пхеньянда ўтказиладиган жаҳон фестивалига бағишланган эди.

Кечанинг программаси бой ва ранг-баранг эди. Унда қишлоқ мактабларининг ўқувчилари қатнашдилар — Свердлов номли колхоздаги мактабнинг корейс ансамбли саҳнада концерт берди. Қўшиқлар ўрнини рус, ўзбек, украин, қозоқ, корейс рақслари эгаллади. Бу ерда янграган музика, кечада қатнашган кишиларнинг шодуҳуррамлиги ёшлар фестивали ларининг ҳақиқий руҳини ўзида акс эттирган эди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Ёзувчилар союзлари корейс адабиёти секцияларининг вакиллари мактаб байрамининг меҳмони бўлдилар, деб хабар беради ЎзТАГ мухбири.

Сочқилар

Доктор беморга деди:
— Чап кўзингиз шамоллабди, узоғи билан уч-тўрт ойда тузалиши мумкин.
Бемор:
— Нималар деяпсиз доктор, ахир чап кўзим шишаданку!

* * *

Бир киши семиз кишидан:
— Айтингчи, нега семиз кишилар хушмуомала бўлишади, — деб сўради.
Семиз киши:
— Чунки биз на калтаклаша оламиз, на қоча оламиз, — дея жавоб қайтарди.

М. САИДАҲМЕДОВА.
Самарқанд область, Хатирчи райони.

Корректор дафтаридан

⊙ Касалари.
⊙ Мусича жавони.
⊙ Икки табақали этик.
⊙ Чангли телевизор.
⊙ Илонзор.

Л. ҚОДИРОВ.
Бағдод райони.

Санъатнинг сеҳрли олами

Интилиш

Тўхтасин Жалилов номидаги Ўзбекистон ССР Давлат халқ чолғу асбоблари оркестри ўтган йили 50 йиллик юбилейини нишонлади. Бу оркестрнинг номи мамлакатимизнинг барча бурчакларида маълум ва машҳур. Унинг ижрочилари асосан ёшлардан иборат. Улар ўз истеъдодлари билан ўзбек халқ чолғу оркестрининг обрўсини оширишда муносиб ҳиссаларини қўшиб келяптилар. Республика, Иттифоқ миқёсида ўтадиган кўпгина фестиваллар, кўрикларда мунтазам иштирок этишмоқда.

Оркестр созандалари орасида меҳнаткашлиги, касбига садоқати, камтарин инсонлиги билан коллективда ҳурмат қозонган, У. Ҳожибеков номли I Республикалараро конкурсининг лауреати Қаҳрамон Назиров алоҳида ажралиб туради.

Одатда «Санъаткор қандай бўлиши керак» деган саволга кўпчилик, «истеъдодли бўлиши керак» дейишади. Санъаткорда истеъдод билан бирга унда одамийлик, энг яхши фазилатлари ҳам бўлиши даркор. Ёш созанда Қаҳрамон Назировда шу хислатлар мужассамлиги кишини қувонтиради.

Қаҳрамон 1963 йили Тошкентда оддий ишчи оиласида туғилди. Мусиқага ҳавас унда болалик чоғларидаёқ уйғонган эди.

Музика аввало инсоннинг эстетик дунёқарашини тарбиялайди, бола ҳали қўлига қалам ушлашни, ўқиб, чизишни билмай туриб музика эшитиш ва ҳис қилишга интилади. Орзу ёш Қаҳрамонни 19-болалар музика мактабига бошлаб келади. Бу ерда у ажойиб педагог Шукрулло Хўжаевдан ғижжак чалиш сирларини қунт билан ўргана бошлайди. Шу ерда бир гапни айтиб ўтиш керак, моҳир созандаларнинг етишиб чиқишида уларнинг бошланғич созни ўрганиш даври катта аҳамиятга эга. Чунки ёш созанда созни тўғри ушлаши, ижро ҳолати, камонни равон тортишни пухта эгаллаши катта аҳамиятга эгадир.

Қаҳрамон музика мактабида ўқиб юрган вақтларидаёқ ўзининг меҳнатсеварлигини, ҳаракатчанлигини намоён эта бошлайди. «Санъат байрами» конкурсларида иштирок этиб, совринли ўринларга сазовор бўлади. Ў 1977 йили Ҳамза номидаги музика билим юртига ўқишга киради. У ерда Ўзбекистон ССР халқ артисти устоз Р. Муродов раҳбарлигида ижрочилик маҳоратини яна ҳам сайқаллаштиради. Поэма, концерт, тарантелла, скерцо каби асарларни шу қадар нозик, сержило ижро этадики, ғижжак унинг қўлида бамисоли булбулдек наво қилади. Қаҳрамон 1980 йили ёш ижрочи-созандаларнинг III Республика конкурсида иштирок этади ва ҳамма шартларни аъло даражада бажариб конкурс лауреати деган юксак номга сазовор бўлади. Илк бор катта санъат кўригида эришилган зафар Қаҳрамонни яна ҳам руҳлантириб юборди.

Ёш санъаткор кейинги йили музика билим юртини имтиёзли диплом билан тугаллаб, М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясида ўқишни давом эттиради. Олий музика билим даргоҳида Қ. Назиров доцент Мурод Тошмуҳамедов синфида таҳсил ола бошлайди. У музика билан янада жиддийроқ шуғулланади, ўзининг ижрочилик маҳоратини ошириш устида тинимсиз изланади. 1986 йили консерваторияни аъло баҳолар билан тамомлаб ўзининг қадрдон коллективи — Т. Жалилов номидаги оркестрда ижрочилик фаолиятини давом эттиради.

Шу йили республикамиз созандалари ҳаётида қувончли воқеа бўлди. Боку шаҳрида У. Ҳожибеков номли биринчи Республикалараро конкурс ўтказилади. Бу конкурсда Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Арманистон ва Озарбайжондан энг моҳир созандалар иштирок этишади. Ўзбекистонлик 8 та вакил орасида Қ. Назиров ҳам бор эди. Озарбайжон ССР халқ артисти профессор С. Э. Алескеров ҳамда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби профессор А. Одилов бошчилигидаги жюри ҳайъати бир овоздан Қ. Назировни конкурснинг энг моҳир созандаси деб топади ва у I Республикалараро конкурсининг лауреати деган юксак унвонга сазовор бўлади.

Ҳа, Қаҳрамон ўзбек созандачилик санъатининг ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда, у ўз санъати билан узоқ-узоқларга парвоз қилиш учун интилади. Интилган одам эса ҳеч кам бўлмайди, эл назарига тушади, эътибор топади.

Ш. ЗИЁЕВ,
М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг ўқитувчиси.



АВЛОДЛАР.

В. Панкратова фотоси.

Хандалар

Йигит билан қиз боғда ўпишиб турардилар. Йигит ширвирлаб деди:

— Мен сени севаман, жонгинам. Сен-чи, сен ҳам севасанми мени?

Қиз бир лаҳза тараддуланиб турагач, деди:

— Ҳа... сени ҳам...

* * *

Петер кўчада ўзининг таниш қизини учратиб қолди.

— Чиройли оёқчаларингни пилдиратиб қаёққа шошилясан? — сўради.

— Кинога, — деди қиз ҳам ишшайиб, — агар орага бошқа бирон нарса суқилиб қолмаса...

* * *

Тун. Осмонда ой чарақлаб турибди. Йўл четкасидаги машинада ёш йигит билан қиз ўтиришарди. Узоқ жимлиндан сўнг қиз деди:

— Эмил, сиз менга Дон Жуанни эслатяпсиз.

— Шунақами? — деди йигит бироз тортиниб, — аммо у аллақачон ўлиб кетган-ку?

— Худди шунинг учун-да...

Немис тилидан

Йўлдош ПАРДАЕВ таржимаси.

Телепрограммалар

8 майдан 14 майгача

⊙ Уз ТВ

10.00 «Ҳаёт ипи узилмасин». Ҳужжатли фильм. 11.00 «Муножот Йўлчиева куйлайди». Концерт. 12.00 «Йигитлар». Адабий композиция. 12.30 «Оркестр билан катта кўча бўйлаб». Бадиий фильм («Мосфильм»). 14.00 Ғалаба кунига. «Ҳужжатли экран». Кинокўрсатув. 15.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қўшиқлар хотирамизда янграсин». Ғалаба кунига бағишланган кўрсатув (рус.).

* * *

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Эртак менинг остонамда». Мультфильм. 18.10 Болалар учун. «Бойчечак». 18.40 Ғалаба кунига. «Фидойилар». Зебо Ғаниева ансамблининг фронт бригадаси. 20.00 «Ахборот» (рус.). 20.15 «Пиллачиларнинг долзарб вазифалари». 20.30 «Ғалаба йўли». Ҳужжатли фильм («Узбектелефильм»). 20.45 «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари». Уруш ветерани Е. Мирзаев тақдири ҳақида ҳикоя. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Ахборот». 22.25 Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган кунинг 100 йиллигига. «Майсаранинг иши». Юнус Ражабий номли Жиззах драма театрининг спектакли. 00.15 Кўрсатувлар программаси.

⊙

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА

19.30 «Ҳар кимнинг ихтиёри ўзида». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия). 20.50 «Ёд эт». Ҳужжатли фильм.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время». 22.05 Совет Иттифоқи Қаҳрамони, генерал-майор И. В. Панфилов хотираси учун классик кураш бўйича Бутуниттифоқ турнири. 22.50 «Ҳарбий дала романи». Бадиий фильм (рус.).

⊙ МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.50 «Сен билан, мамлакат». Совет қўшиқлари тарихидан. 9.35 «Ўрмон эртаклари». Мультфильм. 9.50 Классик кураш. Европа чемпионати. Финляндиядан кўрсатилади. 10.35 «Эдуард Асадов. Жанг қиляпман, ишонаман, севаман». Телевизион ҳужжатли фильм. 11.25 «Тараққиёт. Ахборот. Реклама». 12.10 «Осмондан тушганлар». Бадиий фильм, субтитр билан («Ленфильм»). 13.30 «Ошкоралик» фестивалининг ҳужжатли фильмлари. «Маршал Блюхер, давр фонидаги портрети» (Шарқий Сибирь кинохроника студияси). 14.40 Талабларингизга биноан такрорланади. «Қизил Крест белгиси билан». Телевизион бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 17.40 «Телевизион музикали абонемент». Импровизациялар оламида. 2-кўрсатув. 18.25 «Ретро». Кекса ёшдагилар учун кўрсатув. 19.35 В. Губаренко. «Альп балладаси». Фильм-опера (Минск). Премьера. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Майнулар қандай тушлик қилишди». Мультфильм. 20.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 21.30 «Время». 22.05 МТ фондидан. «Май ойи эди». Телевизион бадиий фильм («Экран»). 23.55 Тинчлик велопойгаси. Польшадан кўрсатилади. 00.25 Янгиликлар.

8 май, душанба

⊙ МТ I

8.30 Янгиликлар. 8.45 Футбол шарҳи. 9.15 «Бобо». Мультфильм премьераси. 9.30 «Сиз яратган боғ». 10.00 «Фронтдош дўгоналар». Концерт-очерк. 10.20 «Инсон институти». 11.20 «Уруш болалари». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («ЦСДФ»). 12.10 «Социализм мамлакатларида». 12.45 «1945». Шеърий композиция. 13.50 «Ҳайвонот оламида». 14.50 Халқ куйлари. 15.00 Кинофиша. 16.00 «Алексей Экимян. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари». Ереванда кўрсатилади. 17.10 Халқаро программа. 18.10 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Сукунат». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар («Мосфильм»). 21.30 «Время». 22.05 «Солдатлар куйлаганда». Солдат қўшиқлари фестивали. 00.20 Янгиликлар.

1941—1945 ЙИЛЛАРДАГИ УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА СОВЕТ ХАЛҚИ ҚОЗОНГАН ҒАЛАБА БАЙРАМИ.

⊙ Уз ТВ

9.00 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа.

* * *

10.00 «Ҳарбий куй». Фильм-концерт. 10.25 «Белорус вокзали». Бадиий фильм («Мосфильм»). 12.05 Бир актёр театри. Х. Бобомуродова. «Дайдор». 12.30 «Ветеранлар». Телефильм. 13.00 Ғалаба кунига. Уруш ветеранлари иштирокида Халқлар дўстлиги музейидан репортаж (рус., ўзб.).

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Фантадром». Мультфильм. 18.15 «Буюк ғалабамиз». Ҳарбий Совет аъзоси, Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармасининг бошлиғи генерал-лейтенант А. И. Овчинников сўзи (рус.). 18.35 «Жасоратнинг давоми». Ҳужжатли фильм. 19.05 Адабий театр. Ойбек. «Қизлар». 19.50 Москва. «Фашизмга қарши жангларда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси». Бир минутлик сукунат. 20.10 «Ахборот» (рус.). 20.30 «Солдат шоншуҳрати». Телефильм. 20.50 Д. Зокиров номли ЎзССР Давлат телерадиоси халқ чолғу оркестрининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Ахборот». 22.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ғалаба баҳори». Ғалаба байрамига бағишланган кўрсатув. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

⊙

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА

19.30 «Кўнгиллилар». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия, рус.). 21.05 «Ўғлонлар қасамёд қилдилар». Ҳужжатли фильм («Узбектелефильм»).

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время». 22.05 «Ипподромда байрам». Мавсумнинг очилиши. 22.50 «Матонат». Бадиий фильм (рус.).

⊙ МТ I

8.30 Янгиликлар. 8.45 Телевизион ҳужжатли фильмлар: «Уруш садоси», «Сталинградликлар ҳақида достон». 9.50 Мультфильмлар премьераси: «Солдат эртаги», «Тўппа-тўғри нишонга». 10.10 СССР Мудофаа министрлиги биринчи алоҳида кўргазмали оркестрининг концерти. 11.15 «Бугун — Ғалаба байрами».

9 май, сешанба

СССР Мудофаа министрининг ўринбосари, армия генерали В. М. Шабанов сўзи. 11.30 «Г. Бакланов. «Кечки нур». Фильм-концерт премьераси. 12.35 «Узатиб юбор». Телевизион бадиий фильм (А. Довженко номли киностудия). 14.00 «Голиблар». 15.30 М. Ғараева. «Тор оилавий доирада ўтган ғалати кеча». Телеспектакль. 17.10 «Рус шифохонасининг оддий иш кунлари». Ҳужжатли фильм. 17.30 «Доктор, эртак айтиб беринг». Мультфильмлар премьераси. 1 ва 2-фильмлар. 17.50 «Ҳеч қачон бунчалик кўп қўшиқ куйламаганман. И. С. Крзловский». Фильм-концерт. 18.35 «Солдатлар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («ЦСДФ»). 19.25 Д. Шостакович. «Фашизм ва уруш қурбонлари хотирасига». Камер симфонияси. 19.50 «Фашизмга қарши жангларда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси». Бир минутлик сукунат. 20.10 «Мен албатта қайтаман». Концерт. 20.20 Унинг батальони». Телевизион бадиий фильм, 1-серия («Беларусфильм»). 21.30 «Время». 22.05 Унинг батальони». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 23.15 К. Шульженко куйлайди (1976 йилда ёзиб олинган). 00.20 Янгиликлар.

⊙ МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.45 «Дўстлар, ўртоқлар ҳақида». Киноконцерт. 9.35 Шингил ҳикоялар антологияси. Е. И. Носов. «Ғалабанинг гулги шароби». 10.35 Ҳужжатли фильмлар: «Николай Буянов. Итальянча каприччио», «Николай Биков. Фронт кинооператори». 11.25 Болалар учун фильм. «Ўн етти ёшлик болалигимда» («Озарбайжонфильм»). 12.30 «Саркардалар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («ЦСДФ»). 13.30 «Енгилмас ва афсонавий». А. Александров номли Совет Армияси академик ашула ва рақс ансамблининг концерти. 14.25 Иттифоқдош республикалар студияларининг фильмлари. «Қиш охиридаги учрашув» («Беларусьфильм»). 15.45 «Нима кучли?». Мультфильм. 15.55 Хоккей. Лига кубоги. Ярим финал. 18.30 Мультфильмлар: «Бир қўғирчоқ тарихи», «Полигон», «Тўқнашув». 18.55 «Унутмаган кишилар ҳақида». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.25 Д. Шостакович. «Фашизм ва уруш қурбонлари хотирасига». Камер симфонияси. 19.50 «Фашизмга қарши жангларда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси». Бир минутлик сукунат. 20.10 «Мен албатта қайтаман». Концерт. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Мойдодир». 20.45 «Крилов масалларини ўйнаймиз». Фильм-концерт. 21.20 Владимир шаҳри ««Сузорье» ансамблининг концерти. 21.30 «Время». 22.05 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. Ленинград телевидениесининг программаси. 23.15 Тинчлик велопойгаси. Польшадан кўрсатилади. 23.45 Янгиликлар. 23.55 Городки спорти. Ғалаба байрамига бағишланган мусобақалар. В. И. Ленин номли Марказий стадиондан кўрсатилади.

10 май, чоршанба

⊙ Уз ТВ

15.00 «Ҳамма нарсани бир лаҳза ҳал қилади». Бадиий фильм («Ленфильм»). 16.45 Табиатшунослик. Табиат бойликларидан фойдаланиш ва уларни қўриқлаш. 17.15 «Гуллар билан чизилган автопортрет». Телефильм. 17.30 Рус адабиёти. А. Фадеев. «Ёш гвардиячиларнинг қаҳрамонлиги (рус.). 18.00 Янгиликлар. 18.15 Ўсмирлар учун. «Камалак». 19.00 «Аҳолига солиқ солиш тартиби ва миқдорларини ўзгартириш тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳаси ҳақида». 19.10 «Чўлдаги дендрарий». Телефильм. 19.20 «Ижод саҳифалари». Э. Войнич. Туғилган кунининг 125 йиллигига. 20.00 «Ахборот» (рус.). 20.20 «Ҳаётбахш». Ўрта Осиёда сув ресурсларидан рационал фойдаланиш муаммолари ҳақида. 20.55 «Эстрада калейдоскопи». ЎзССРда хизмат кўрсатган артистлар А. Йўшпа ва С. Раҳимов. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Ахборот». 22.25 «Орол яшаши керак». 23.10 «Шум бола». Бадиий фильм («Узбекфильм»). Тугагач — Кўрсатувлар программаси.

⊙

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА

19.35 «Оркестр билан катта кўча бўйлаб». Бадиий фильм («Мосфильм»). 21.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Пульс». Информацион кўрсатув. 21.15 «Бу менинг қўшиғим». Телефильм.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.20 «Мулоқот». Телетомошабинларнинг саволларига Тожикистон Кинематографчилар союзининг биринчи секретари, СССР халқ депутати Давлат Худойназаров жавоб беради.

⊙ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Айиқча ва ўша томда яшайдиган кимса», «Саругасима оролидаги маймун», «Бодринг-войнинг саргузаштлари». Мультфильмлар. 9.35 «Сукунат». Бадиий фильм. 1-серия. 11.10 Янгиликлар. 11.20 «Бу бўлган... бўлганди...». 11.40 Киноафиша. 12.40 «Ҳайвонот оламида».

* * *

16.00 Янгиликлар. 16.15 «Қайта қуриш прожектори». 16.25 «Вяткада ўтган етти йил». Телеочерк. 16.50 «Онам дадам ва мен». 17.20 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 18.20 Д. Шостакович номли Давлат квартети чалади. 18.30 Чехословакиянинг миллий байрами — фашист босқинчиларидан озод этилган кунга. ЧССР телевидениесининг программаси. 19.30 «Гунан — Батор». Мультфильм. 20.00 «Инсон ва қонун». Ҳуқуқий видеоканал. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.20 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Туркия — СССР терма командалари. Туркиядан кўрсатилади. 24.00 «Дунё воқеалари». 00.15 «Пардаларда, клавишларда ва...». Эстрада программаси.

⊙ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

* * *

Ўқув программаси.

9.15 «Кўзгу ортида». Илмий-оммабоп фильм премьераси. (Грузия илмий-оммабоп фильмлар студияси). 9.35, 10.35 Теварак-атроф билан танишиш. 2-синф. Ҳар доим бўлсин қўеш! 9.55 «Мушукчалар учун алифбе». Илмий-оммабоп фильм премьераси («КНФ»). 10.05 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 10.55 «Эко стилидаги элегия». Илмий-оммабоп фильм. 11.05 «Онам, дадам ва мен». Уч ойлик болалар тарбияси ҳақида. 11.35, 12.35 Сервантес. «Дон Кихот». 6-синф. 12.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 13.05 Ритмик гимнастика. 13.35 «Янги шаҳар, қадимий шаҳар». Калинин шаҳри ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 13.55 Янгиликлар.

* * *

17.30 Янгиликлар. 17.40 Дўстларимиз экрани. «Шимолдаги район». Ўн уч серияли телевизион бадиий фильм. 7-серия. (ЧССР). Премьера. 18.30 Томошабинсиз концерт. 19.00 Ритмик гимнастика. 19.30 Украина ССР Давлат телерадиоси. Днепропетровск телевидение студиясининг программаси. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қувноқ болалик мамлакатида». Мультфильм. 1-қисм. 20.45 Мордва АССР Давлат «Умарина» ашула ва рақс ансамбли ижро этади. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори. 22.15 Дўстларимиз экрани. «Шимолдаги район». Ўн уч серияли телевизион бадиий фильм. 7-серия. Премьера. 23.55 «Бардош». Ҳужжатли фильм. 23.20 Янгиликлар. 23.30 «Сиз яратган боғ». 24.00 Тинчлик велопойгаси. Польшадан кўрсатилади.

* * *

Ўқув программаси.

9.15 «Кўзгу ортида». Илмий-оммабоп фильм премьераси. (Грузия илмий-оммабоп фильмлар студияси). 9.35, 10.35 Теварак-атроф билан танишиш. 2-синф. Ҳар доим бўлсин қўеш! 9.55 «Мушукчалар учун алифбе». Илмий-оммабоп фильм премьераси («КНФ»). 10.05 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 10.55 «Эко стилидаги элегия». Илмий-оммабоп фильм. 11.05 «Онам, дадам ва мен». Уч ойлик болалар тарбияси ҳақида. 11.35, 12.35 Сервантес. «Дон Кихот». 6-синф. 12.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 13.05 Ритмик гимнастика. 13.35 «Янги шаҳар, қадимий шаҳар». Калинин шаҳри ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 13.55 Янгиликлар.

* * *

17.30 Янгиликлар. 17.40 Дўстларимиз экрани. «Шимолдаги район». Ўн уч серияли телевизион бадиий фильм. 7-серия. (ЧССР). Премьера. 18.30 Томошабинсиз концерт. 19.00 Ритмик гимнастика. 19.30 Украина ССР Давлат телерадиоси. Днепропетровск телевидение студиясининг программаси. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қувноқ болалик мамлакатида». Мультфильм. 1-қисм. 20.45 Мордва АССР Давлат «Умарина» ашула ва рақс ансамбли ижро этади. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори. 22.15 Дўстларимиз экрани. «Шимолдаги район». Ўн уч серияли телевизион бадиий фильм. 7-серия. Премьера. 23.55 «Бардош». Ҳужжатли фильм. 23.20 Янгиликлар. 23.30 «Сиз яратган боғ». 24.00 Тинчлик велопойгаси. Польшадан кўрсатилади.

⊙ Уз ТВ

9.00 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа.

* * *

10.00 «Шанба экрани». Кинопрограмма. 11.00 Белоруссия телевидениесининг программаси. 12.15 Спорт программаси: 1. «Ҳовлимиздаги стадион», 2. Ғалаба кунига бағишланган бадиий, ҳарбий-спорт байрами. 13.20 «Китоб дўстлари». Телеальманах (рус.). 14.10 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Оила» (такрор.). 15.10 «Оналар мактаби». 15.40 Сайловлар олдидан. СССР халқ депутатлигига номзодлар А. К. Эргашев, Х. Х. Рўзиев, М. Азизов билан учрашув (рус.).

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Менинг филим бўл». Мультфильм. 18.15 Мактаб ўқувчиларининг ЎзССР халқ артисти кинорежиссёр Л. Файзиев билан учрашуви. 19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 19.30 «Солдат, ёд эт». Фильм-концерт. 20.00 «Ахборот» (рус). 20.20 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 21.00 «Оҳ, денгиз, денгиз...». Катталар учун мультфильмлар. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Ахборот». 22.25 «ЎзССР халқ артисти Х. Лутфуллаев куйлайди». Концерт-очерк. 23.35 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Эсдалик учун дастхат». Музикали дам олиш программаси. 00.35 Кўрсатувлар программаси.

⊙

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Болалар планетаси — дўстлар планетаси». Тожикистон ва АҚШ мактаблари ўқувчиларининг дўстлиги ҳақида ҳикоя. 18.50 «Р. Шафиев ва «Гунеш» ансамбли». 19.30 А. Фирдавсий. «Шоҳнома». 20.00 Информацион программа. 20.30 «Дилафрўз». Хотин-қизлар учун программа. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Ранда». Танқидий тележурнал. 22.45 «Ҳоҳи баланд». Адабий музикали программа.

13 май, шанба

⊙ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Уй академияси». 9.35 «Йил фасллари. Май». 10.35 «Дўстлик меридианлари». Витебскда бўлиб ўтган поляк қўшиқлари Бутуниттифоқ фестивали голибларининг концерти. 11.15 «Мўъжизасиз мўъжизалар». 12.25 «Молдавия шишаси». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Кишинёв). 12.25 «Социализм мамлакатларида». 12.55 «Иркит ўрдакча». Мультфильм. 13.15 «Халқ ижодиёти». Телевизион кўрсатув. 13.45 «Бахтли тасодиф». Янги халқаро телевикторина ҳақида. 14.00 «Шанба—ота-оналар куни». 15.30 «Дунё воқеалари». 15.45 Андрей Миронов иштирок этган фильмлар. «Похол шляпа». 1 ва 2-сериялар («Ленфильм»). 17.55 «Бизнинг бурчимиз». 18.40 Халқаро программа. 19.40 «Аёл ҳаётидан ўн беш дақиқа». 19.55 Оила экрани. «Болалар майдончаси». Бадиий фильм («Ленфильм»). 21.30 «Время». 22.05 «Телетомошабин ҳамроҳи». 22.25 «Бахтли тасодиф». Янги халқаро телевикторина ҳақида.

ШАНБА ОҚШОМИДА

22.40 Мультипликацияда сатира. 23.10 Телевизион танишув. Арвидас Сабонис. 00.40 Янгиликлар.

⊙ МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.45 «Қишлоқ янгиликлари». 9.45 Талабларингизга биноан такрорланади. «Жаҳоннинг йирик музейи. Лувр». 6 ва 7-сериялар (Франция). 10.50 «Икки кишилик вокзал». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»). 13.05 «Улар биз билан бир сафда». Қозоғистон республика кўрлар жамиятининг иши ҳақида. 13.25 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг» (29 апрелдаги кўрсатув такрорланади). 14.55 Мультфильмлар: «Эртага бувимнинг туғилган куни», «Ёшартирадиган олмалар». 15.30 «Ошкоралик» фестивалининг ҳужжатли фильмлари. «Жараён». 1 ва 2-фильмлар. («Экран»). 17.30 «Ҳақиқат нима?». Ф. Донахью ва В. Познернинг совет ёшлари билан учрашувлари. 18.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.15 «Телевизион музикали абонемент». Импровизация оламида. 3-кўрсатув. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Бизнинг цирк». 20.45 «Миллатлараро муносабатлар: тарихий тажриба ва муаммолар». Регионал конференция (Тошкент шаҳри). 21.30 «Время». 22.05 «Оқ қарғалар». Телевизион бадиий фильм («Экран»). Премьера. 23.50 Тинчлик велопойгаси. ГДРдан кўрсатилади. 00.20 Янгиликлар.

⊙ Уз ТВ

9.00 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа. 10.00 «Оила даврасида». Кинопрограмма. 10.40 «Биргаликда куйлаймиз». С. Абрамова, Б. Исроил. «Турналар» (такрор). 11.05 «Ёш спортчи мактаби». 1. Кураш. 2. Шашка. 12.05 «Огинский полонези». Бадиий фильм («Беларусфильм»). 13.35 «Хўжасизликка барҳам берайлик». ҚҚАССР темирйўл станцияларида ресурсларни тежашнинг аҳволи ҳақида. 14.05 «Техника ижоднёти мактаби» (рус.). 14.35 «Дўстлик» программаси. Кинотаҳрирятдаги таништиради. 15.35 Реклама.

* * *

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Китоб — бизнинг дўстимиз». 19.00 Енгил атлетика. Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон матчи. «Пахтакор» Марказий стадионидан репортаж. 19.40 Телефильм. 20.00 «Ахборот» (рус.). 20.20 Рубобда Анвар Иноқов чалади. 20.30 Телефильм. 20.50 Дам олиш музикали программаси. 21.30 Москва. «Время». 22.00 А. Қаҳҳор ҳикоялари асосида ҳажвий новеллалар. «Пора». 23.35 Кўрсатувлар программаси.

⊙

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Чўкаётган кемалар хазинаси». Мультфильм. 18.20 Реклама. 18.30 Москва. «Халқаро панорама». 19.15 КПСС Марказий Комитети Пленуми олдидан. «Улут, улуттар аралик мамилелер». Олимлар, маданият арбобларининг студентлар билан учрашуви. 20.15 Қирғизистон ССР Олий Советининг доимий комиссияларида (рус.). 20.30 Концерт. 21.00 «Азил — чини аралаш». Телеминиатюралар. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Бугун — Сайловлар куни». 22.20 «Театр ҳаёти». Ленин комсомоли номли театр — бизнинг меҳмонимиз. (Ленинград шаҳри). 22.50 Чет эл фильмлари экрани. «Ваъда». Бадиий фильм (РСР, рус.).

14 май, якшанба

⊙ МТ I

8.30 Янгиликлар. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 «Спортлото» тиражи. 9.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун дам олиш ўқув кўрсатуви. 10.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!» 11.30 «Тонгги почта». Музикали кўрсатув. 12.00 «Оламга саёҳат». Альманах. 13.00 Эртак ҳузурида меҳмонда. «Уч олтин тола соч». Бадиий фильм (ЧССР). 14.35 «Музикали киоск». 15.05 Очиқ эшиклар куни. 15.50 «Нигоҳ». Якшанба кунги сони. 16.45 «Довюрак тикувчи». Мультфильм. 17.15 I Бутуниттифоқ гўзаллик конкурси. 17.30 «Қишлоқ янгиликлари». 18.30 «Халқаро панорама». 19.15 «Имкон беринг тинчликка». Фильм-концерт. 19.50 Телевизион ҳужжатли фильм. 20.00 ХХР цирк артистларининг чиқиши. 21.15 «Салом, доктор». 21.30 «Время». 22.00 «Музикали ринг». 00.30 Футбол. СССР чемпионати. «Шахтёр» — «Спартак». 2-тайм. Донецкдан кўрсатилади. 00.20 «Акс садо». Ҳафтанинг воқеалари.

⊙ МТ II

8.30 Зарядкага сафланинг! 8.50 Мультфильмлар. 9.10 Касаба союзлари Маданият саройи «Лада» халқ ансамблининг концерти. 9.40 Иттифоқдош республикалар кинопублицистикаси. «Аччиқ..». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Душанбе). 10.30 «Агар сиз...». 11.15 «Она замин ташвишида» туркумидан ҳужжатли фильмлар. «Кўл», «Узоқ Шарқ». Киножурнал. 12.00 Ришад Шафиев ҳамда «Гунеш» группаси «Дўстларимга» музикали программасида. Ашхободдан кўрсатилади. 12.30 «М-12». Оила муаммолари ҳақида ёшлар программаси. 13.50 «Эфирда музика». Кўрсатувни С. Бэлза олиб боради. 15.55 Хоккей. Лига кубоги. Финал. Танаффус пайтида (16.35) — «Спорт ҳамма учун». 18.30 «Шмидт музейи». Телеочерк. 19.00 «Ёшлик куйлайди ва рақсга тушади. 19.15 «Киносерпантин». 1-дубль. 20.15 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Машиналар қандай қилиб жаҳли чиқди». 20.30 «Киносерпантин». 2-дубль. 21.30 «Время». 22.00 «Салом, доктор!». 22.15 «Киносерпантин». 3-дубль. «Чақирилмаган меҳмон». Бадиий фильм(ПХР).

Биргаликда «зангори экран» олдида

«Қайсиси манзур, нима ёқмайди?»

ҚАЙСИСИ МАНЗУР БЎЛДИ

⊙ Л. Исроилова, А. Икромов район, Боту кўчаси 8-уйда яшовчи.

— 23 апрелда намойиш этилган «Ассалому алайкум» кўрсатуви ёқди. Шундай ранг-барангликка эътибор кучайтирилса.

⊙ М. Илҳомова, ТошДУ филология факультети дипломанти.

— 1 майда берилган «Телевизион миниатюралар театри» манзур бўлди. «Ҳамроз» (2 май) ҳинд кинофильмидан жуда таъсирландик.

⊙ М. Ғузаров, Самарқанд область, Иштиҳон район Бешбола қишлоғидан.

— Байрам кунларидаги барча томошалар ёқди. Айниқса «Ассалому алайкум»да таниқли шоир Э. Воҳидовнинг чиқишидан хурсанд бўлдим. Шу каби ижодкорлар билан учрашувлар ўтказиб турилса ёмон бўлмасди.

НИМА ЁҚМАДИ!

⊙ Д. Мусамедова, Ҳамза районидаги 226-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.

— «Ассалому алайкум»нинг «Ахборот»дан фарқи қолмади. Дам олиш кунлари бериладиган концертлар бўш ва жуда қисқа. Ўтган ҳафта программасига киритилган «Оламга саёҳат» кўрсатуви қолдирилди. Баъзи пайтларда программага риоя қилинмаяпти.

⊙ А. Жумақулов, ТошДУ журналистика факультети 4-курс талабаси.

— «3-студия» (29 апрель) унчалик ёқмади. Сабаби (менимча албатта) аввалгилари даражасида эмас. Муаммолар кўтариляптию, аниқ таклифлар айтилмаяпти.

ИСТАКЛАР

⊙ М. Шукурова, А. Икромов район, Саккокий кўчаси, 2-уйда яшовчи онахон.

— Яқинда касалхонадан чиқдим. Кино, театрларга боролмайман. Театр ва миниатюралар кам бериляпти. Иложи бўлса тез-тез намойиш этиб турилса. Кейин «Экран хандаси», «Шанба нонуштадан сўнг» кабилар тикланса.

⊙ Ф. Усмонова, А. Икромов район, У. Зуфаров кўчаси 19-уйда яшовчи.

— Илгари концертлар соат 20 дан 50 минут ўтганда бериларди. Шулар «Ахборот»дан кейин берилса. Негаки, уй бекалари ишларини саранжомлаб бўлгунича соат 22 бўлади.

⊙ Н. Исломова, кекса педагог, шахсий пенсионер.

— Болалар учун берилаётган кўрсатувлар жуда ёқади. Концертлар ҳам. «Ялла» концертлари тез-тез бериб турилса. Бу ансамблнинг саҳналаштирилган «Чойхона» программаси бор. Унда янада миллийлик бўлиши учун хонандалар чопон, дўппи, яктак кийиб чиқишса соз бўларди.

⊙ М. Абдураҳмонова, Тошкент қишлоқ хўжалик институти кутубхонаси ходимаси.

— Дам олиш кунлари «Ассалому алайкум»дан бошқа қизиқарли кўрсатувлар, «Время»дан кейин қизиқиб кўрадиган томошалар йўқ. Кўпинча Узбекистон телевидениесининг иккала программасидаги қизиқарли кўрсатувлар бир пайта тўғри келади. Шулар мувофиқлаштириб борилса.

Раҳмат. Ўтган ҳафтада сизга қайси кўрсатувлар ёқди, нималар манзур бўлмади — фикр-мулоҳазаларингизни билдиришингизни сўраймиз. Телефонимиз номери: 32-58-85.

Р. БОБОМУҲАМЕДОВ навбатчилик қилди.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Узбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: қабулхона—32-53-76; бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши—32-57-84; экономика ва шаҳар хўжалиги —32-54-19; ижтимоий масала — 32-53-10; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66, 32-54.15; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Якшанбадан ташқари, ҳар куни чиқади.

Р. — 01203. Ички саҳифаларга 20.30 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Б. 2106. Индекс 64499